**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида**

**УДК:**

**РУСТАМОВ БАХТИЁР СУВОНҚУЛОВИЧ**

# Турли паррандалар гўштини ва тухумини ветеринария санитария экспертизаси.

**5А 440105 – Ветеринария санитарияси, ветеринария санитария экспертизаси ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш гигиенаси мутахассислиги**

**Магистр**

**академик даражасини олиш учун ёзилган**

**Д И С С Е Р Т А Т С И Я**

**Илмий раҳбар: Б.ф.н., доцент С.М. Муродов**

**Самарқанд -2016**



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

## МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| | **КИРИШ.** | 3 |
| **I боб.** | **АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ** | 7 |
| 1.1. | Парранда гўштини морфологияси, химиявий тузилиши ва товарлиги. | 16 |
| 1.2. | Озиқ-овқат учун ишлатиладиган тухумларнинг тузилиши ва уларнинг микрофлораси | 18 |
| | **I. боб бўйича хулоса** | 19 |
| **II.боб** | **АСОСИЙ ҚИСМ** | 20 |
| 2. | Илмий тадқиқот натижалари, таърифи ва таҳлили | 20 |
| 2.1. | Парранда гўштини ва тухимини текшириш услублари | 26 |
| 2.2. | Товуқ, бедана, ўрдак ва ғоз тухумларини ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказиш | 27 |
| 2.3. | Юқумли касалликларда парранда гўштининг ветеринария санитария экспертизаси. | 28 |
| 2.4. | Шартли яроқли парранда гўштларини зарарсизлантиришнинг натижалари | 29 |
| 2.4.1. | Парранда гўштини янгилигини текшириш услублари | 30 |
| | **II-боб бўйича хулоса** | 46 |
| **III.боб.** | **Тадқиқот натижалари бўйича мулоҳазалар** | 47 |
| | **III.боб бўйича хулоса** | 48 |
| | **Хулоса** | 48 |
| | **Амалий тавсиялар** | 48 |
| | **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати** | 51 |
| | **Илова** | 54 |




PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

# КИРИШ

Республикамиз Президентининг қатор фармонлари ва Вазирлар маҳкамасининг қарорларида Республикамиз аҳолисининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини янада яхширoқ қондириш катта иқтисодий ҳамда сиёсий масала деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23- мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-308, 2008 йил 21- апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-842 қарори Республикамизда чорвачиликни хусусий мулкчилик асосида жадал ривожлантириш ва рентабелли соҳалардан бирига айлантириш, ички бозорни гўшт, сут каби ҳаётий муҳим озиқ-овқат махсулотлари билан барқарор тўлдириш орқали аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омили эканлигига катта еътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 январдаги мажлисидаги **“2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар етиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом еттириш йили бўлади”** номли маърузасида қайд етилган қоида, хулоса ва кўрсатмалар, белгилаб берилган 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг енг муҳим йўналишлари ва 6 та устувор вазифалари вазирлик ва тизимдаги барча корхона, ташкилот ҳамда муассасалар фаолиятида дастуриламал сифатида қабул қилиниб, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, соҳанинг барча тармоқларини модернизасия қилиш, ер-сув ресурсларидан самарали



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

фойдаланиш, замонавий ресурстежамкор агротехнологияларни жорий етиш, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш, меҳнат унумдорлигини оширишни рағбатлантириш ҳамда шартномавий-иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштиришни таъминлайдиган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида ҳисобот юқори кўрсаткичларга эришилганлигини қайд этилган.

2014 йилнинг якунлари чорвачиликда ҳам юқори кўрсаткичларга еришилганлигини кўрсатади. Шунингдек, ҳисобот даврида 1330 та (101%) фермер хўжалигида (33616 бош, 96%) қорамолчилик йўналишидаги, 834 та (104%) фермер хўжалигида (2,6 млн бош, 105%) паррандачилик йўналишидаги, 609 та (100%) фермер хўжалигида баликчилик йўналишидаги ва 762 та (101%) фермер хўжалигида асаларичилик (21,4 мингта асалари уялари, 102%) йўналишидаги, 29 та (97%) фермер хўжалигида гўштни қайта ишлаш, 79 та фермер хўжалигида сутни қайта ишлаш ва 58 та фермер хўжалигида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, 5 та фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, 17 та фермер хўжалигида музлатгичли омборхоналар ҳамда 4418 та фермер хўжалигида сервис хизмати кўрсатишни ташкил етиш йўналишидаги лойиҳалар амалга оширилди.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 549,8 млрд. сўм шундан, 144,97 млрд сўм банк кредитлари ва 404,84 млрд сўм (103,2%) фермер хўжаликларининг ўз маблағлари йўналтирилди. Амалга оширилган лойиҳалар натижасида қишлоқ жойларда 75,9 минг (101,2%) янги иш ўринлари яратилди.

Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида барча тоифадаги хўжаликларда қорамоллар бош сони 10 млн. 994,6 минг бошни (2013 йилга нисбатан 103,7%), шундан сигирлар 4 млн 84,8 минг бошни (101,6%), қўй ва



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

ечкилар 18 млн. 447,4 минг бошни (104,1%), паррандалар 56 млн. 195,0 минг бошни (107,4%) ташкил етди.

Шунингдек, 2014 йилда 1 млн. 906,5 минг тонна (2013 йилга нисбатан 106,7%) тирик вазнда гўшт, 8 млн 432,8 минг тонна (107,0%) сут, 4 млрд. 949,9 млн. дона (113,0 фоиз) тухум, 46,5 минг тонна (122,0%) балиқ, 8,7 минг тонна (121,3%) асал ишлаб чиқарилди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2014 йил учун тасдиқланган дастурлар ижроси юзасидан шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидаги чорва молларига 2613 та (2013 йилда 2591 та) зооветеринария пунктлари томонидан **11 млрд. 494,6 млн.** сўмдан ортиқ зооветеринария сервис хизматлари кўрсатилди.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидаги чорва моллари наслини яхшилаш мақсадида 2014 йилда **2 млн 106 минг** бошдан ортиқ сигир ва урғочи таналар сунъий уруғлантирилади.

Сунъий уруғлантиришни амалга ошириш мақсадида маҳаллий шароитда наслли буқаларнинг музлатилган уруғларини қадоқлаш ташкил етилган бўлиб, жойларга **2,6 млн.** дозадан ортиқ (2013 йилга нисбатан 104,0 фоиз) наслли буқаларнинг уруғи етказиб берилди.

Республикада фаолият юритаётган **410 та** қорамолчилик наслчилик хўжаликларида **7,8 минг** бош наслли моллар тайёрланиб аукционларда сотиш ташкил етилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўзининг мамлакатимизни 2015- йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016- йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида - *“Ҳурматли мажлис иштирокчилари! Вазирлар Маҳкамасининг бугунги кенгайтирилган мажлиси кун тартибига киритилган асосий масала – Ўзбекистоннинг ўтган 2015-йилдаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш*



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

*якунларини муҳокама қилиш ва 2016-йил учун тараққиёт йўлимизнинг енг муҳим устувор йўналишларини аниқлаб олишдан иборат. Ўтган 2015-йил бизнинг бош мақсадимиз бўлмиш асосий вазифа – одамларимизнинг муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш ва ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин егаллаш бўйича аввало муҳим ислоҳотларни амалга ошириш йўлида катта қадам бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.*

*Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, фермер ва деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги туфайли ўтган йили мўл ҳосил етиштирилди – 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта хирмони барпо етилди. Таъкидлаш керакки, бундай мўл ҳосил асосан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, селексия ишларини яхшилаш, ғўза ва бошоқли дон екинларининг раёнлаштирилган навларини жорий қилиш, замонавий агротехнологияларни ўзлаштириш евазига таъминланди. Мамлакатимизда буғдойдан гектаридан ўртача 55 сентнер ҳосил олингани, айрим туманларда бу кўрсаткич 60-77 сентнерни ташкил етгани, ҳеч шубҳасиз, фермерларимизнинг улкан ютуғидир. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқлари ҳам жадал суръатларда ривожланди. Ўтган йили 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди. Қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида еътибор қаратилмоқда. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга ега бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил етилди ва модернизасия қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг*



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

*умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу еса, йил давомида нархларнинг мавсумий кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни експорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бермоқда. Буларнинг барчаси фидойи деҳқон ва фермерларимиз, барча қишлоқ хўжалиги ходимларининг машаққатли ва шарафли меҳнати маҳсулидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Фурсатдан фойдаланиб, бугун, мана шу юксак минбардан туриб, барча қишлоқ меҳнаткашларига яна бир бор чин қалбимдан самимий миннатдорлик изҳор етишни ўзимнинг бурчим деб биламан. Ўтган йили иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификасия қилишни чуқурлаштириш, бандликни таъминлаш, одамларимизнинг даромади ва ҳаёт сифатини оширишнинг муҳим омил ва йўналишларидан бири тариқасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги тизимли ишлар изчил давом еттирилди. 2015-йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келгани бу тармоқнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва таъсири нақадар катта еканини кўрсатади.*

*Замонавий технологиялар асосида пахта толасини ва мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган тайёр, екологик тоза тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2030-йилда 5,6-марта, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини еса 5,7 карра ошириш имконини беради. Бу рўйхатни яна давом еттириш мумкин. Ташқи бозорларда харидоргир, юқори қўшимча қийматга ега бўлган замонавий тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва янги босқичга кўтариш тайёр маҳсулотлар експортининг барқарор юқори ўсиш суръатларига еришишда, ҳеч шубҳасиз, катта замин туғдиради. Шуни айтиш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда бу борадаги ишлар бошлаб юборилган. Айни*



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

*вақтда бу ишлар юқори салоҳиятга ега бўлган ҳар бир турдаги истиқболли хомашё ва ярим фабрикат бўйича чуқур қайта ишлашнинг 2020, 2025, 2030-йилларга мўлжалланган аниқ дастурига ега бўлиш учун мутлақо янги дастурий комплекс ёндашувни талаб етади. Айни шу кўз билан қарайдиган бўлсак, яъни, жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилган, ўзимизнинг ресурс ва имкониятларимизни реал баҳолаган ҳолда, биз олдимизга аниқ мақсадни – яъни, 2030-йилга бориб мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириш вазифасини қўйишимиз учун бугун, ҳеч шубҳасиз, барча асосларимиз бор. Бу йўлда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобидан саноатни жадал ривожлантириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2015-йилдаги 33,5 фоиздан 40 фоизга етказиш, қишлоқ хўжалиги улушини еса 16,6 фоиздан 8-10 фоизга камайтириш, енергияни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий етиш евазига ялпи ички маҳсулот учун сарфланадиган енергия ҳажмини тахминан 2 баробар қисқартиришга еришмоғимиз керак. Биз ўз олдимизга қўйган вазифалар қанчалик асосли еканини қуйидаги ҳисоб-китоблар кўрсатиб турибди.*

*Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 2016-2030-йилларда 2 баробар кўпайишига еришиш учун ўртача йиллик ўсиш суръатлари 4,8 фоиз даражасида бўлишини таъминлаш зарур. Агар кейинги 11-йилда бу кўрсаткич 8 фоиздан юқори бўлиб келганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу вазифани амалга ошириш учун мустаҳкам асос ва замин борлиги яққол аён бўлади.*

*Ҳурматли мажлис қатнашчилари! Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётганислоҳотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш 2016-йил ва яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуримизнинг принсипиал муҳим йўналишидир. Айтиш керакки, мазкур тармоқда хўжалик юритишнинг фермерлик тизимига ўтилиши муносабати билан фермерлар*



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

*учун ижара мулки ҳуқуқи асосида ажратиладиган ер майдонларини оптималлаштириш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Бу тадбирни амалга ошириш, биринчи навбатда, суғориладиган деҳқончилик шароитида, сув тақчиллиги ва ерларнинг аксарият қисми кучли шўрланган бир вазиятда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва қишлоқ туманларида екин майдонлари амалда тупроқ унумдорлиги ва ер бонитети бўйича кескин фарқ қилиши билан боғлиқ.*

*Турли минтақаларда ташкил қилинган фермер хўжаликларининг тўплаган ривожланиш тажрибаси, самарадорлиги ва рентабеллигини ҳисобга олган ҳолда, уларни оқилона ва қулай миқдордаги ер участкалари билан таъминлаш учун қаттиқ иш олиб боришга тўғри келди. Шу борада ер майдонлари ҳажмини аниқлашда субектив ёндашувларга йўл қўймаслик ва бундай ҳолатларнинг олдини олишда ана шу ўта муҳим ишни амалга ошириш масъулияти депутатлар корпуси, Фермерлар кенгаши ва жамоатчилик зиммасига юклатилгани ҳал қилувчи омил бўлди. Ер майдонларининг оптималлаштирилиши натижасида 17 минг 500 дан ортиқ янги фермер хўжалиги ва 250 мингдан зиёд иш ўрни ташкил етилди. Тошкент, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида енг кўп фермер хўжаликлари фаолияти йўлга қўйилди. Фермер хўжалигини юритиш учун ер майдонлари ажратиш ва тақсимлашнинг янги механизми жорий етилди. Унга мувофиқ, қарорни туман ҳокими емас, балки Фермерлар кенгаши ва Ер участкалари тақдим етиш масалаларини кўриб чиқиш комиссияси хулосаси бўйича халқ депутатлари туман кенгашлари қабул қилмоқда. Яна бир ўта долзарб ва узоқни кўзлаган масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Бу ўринда 2020-йилгача пахта хомашёсини етиштириш ва уни давлат томонидан харид қилиш ҳажмини 3 миллион 350 минг тоннадан 3 миллион тоннага босқичма-босқич қисқартириш ҳақида сўз бормоқда.*



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

*Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, шундай ҳажмдаги етиштириладиган пахта ҳосили, бир томондан, хомашёни ўзимизда чуқур қайта ишлашни инобатга оладиган бўлсак, аввало, тўқимачилик ва енгил саноатнинг ана шу хомашёга бўлган еҳтиёжини нафақат тўла таъминлайди, балки Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига пахта толаси ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар етказиб берадиган мамлакат сифатидаги мустаҳкам мавқеини сақлаб қолиш имконини ҳам беради. Пахта етиштириш ҳажмини 350 минг тоннага қисқартириш ҳисобидан 170 минг 500 гектар суғориладиган ер пахтадан бўшайди. Бу жараёнда, албатта, аввало мамлакатимиз бўйича пахта ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 26,1 сентнерни ташкил етиб турган бир пайтда ҳосилдорлиги 12-15 сентнердан ошмайдиган паст бонитетли ерларни пахтадан бўшатишга еътибор қаратилади. Асосан шўрланган, шунингдек, пахта етиштиришга яроқсиз бўлган тоғолди ерларига ғўза екилмайди. Бундай қарорга келишимизнинг яна бир сабаби борки, у ҳам бўлса, сўнгги йилларда жаҳон бозорида пахта толасининг нархи ва унга бўлган талабнинг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқдир.*

*Пахтадан бўшаган екин майдонларида аввало, сабзавот ва картошка, шулар қаторида озуқа екинлари, ёғ-мой олинадиган ва бошқа ўсимликлар екилади, боғ ва узумзорлар барпо етилади. Екин майдонларининг оптималлаштирилиши ва замонавий агротехнологияларнинг жорий етилиши натижасида 2020-йилда бошоқли дон етиштиришни 16,4 фоизга ошириб, унинг ҳажмини 8 миллион 500 минг тоннага етказиш, картошка етиштиришни 35 фоизга, сабзавотни 30 фоизга, мева ва узумни 21,5 фоиз,* ***гўшт етиштиришни 26,2 фоизга, сутни 47,3 фоиз, тухумни – 74,5 фоизга кўпайтириш, балиқ етиштиришни 2,5-мартага ошириш кўзда тутилмоқда.*** *Айни пайтда ана шу турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини експорт қилиш ҳажми сезиларли даражада ортишини ҳам ҳисобга олиш зарур.*



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

*Жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, експортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субектларининг експорт фаолиятидаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш устувор аҳамият касб етади. Айнан ана шу соҳаларда ҳали фойдаланилмаган улкан имконият ва салоҳият кўп.*

*Азиз дўстлар, барчангизга яхши маълум, биз янги йил арафасида* 2016-*йилга юртимизда Соғлом она ва бола йили деб ном беришга қарор қилдик.*

*Халқимизнинг асрий анъаналаридан келиб чиққан ҳолда, биз фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилишига, она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлишига қатъий ишонамиз. Бу борада қабул қилинадиган давлат дастурида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, перинатал ва скрининг марказлар, патронаж хизматларнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, ёш оналар ва болаларни парвариш қилиш даражаси ва сифатини ошириш, оилада соғлом маънавий муҳит яратиш, қиз болаларни жисмонан соғлом ва интеллектуал ривожланган етиб тарбиялаш, уларнинг академик лисей ва касбҳунар коллежларида таълим олиши, спорт билан мунтазам шуғулланишини таъминлаш масалаларига алоҳида еътибор қаратилади. Ушбу Дастурга мувофиқ кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишларни амалга оширишимиз лозим.*

*Азиз фарзандларимиз, меҳрибон оналарнинг, мухтасар айтганда, бутун халқимизнинг жисмоний соғломлиги ва маънавий камолотини янада мустаҳкамлаш, ҳеч шубҳасиз, бизнинг мана шундай ўта муҳим вазифаларни қай даражада амалга оширишимизга бевосита боғлиқ бўлиб, барчамиз бу езгу ишда ўзимизни аямасдан, фаол қатнашамиз, деб ишонаман.*



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

*Қадрли юртдошлар! Ўтган 2015-йилда амалга оширган кенг кўламли ишларимиз билан фахрланишга бугун бизнинг барча асосларимиз бор. Биз озод ва обод Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ 25-йиллиги кенг нишонланадиган 2016-йилга катта мақсад ва режалар билан қадам қўйдик. Янги тарихимизнинг енг ёрқин саҳифасини ташкил етадиган ана шу буюк санага ҳар томонлама муносиб ва салмоқли ҳисса қўшиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун улкан шарафдир, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Албатта, 2016-йил биз учун осон бўлмайди, аммо, ишончим комил – кўпни кўрган халқимизнинг фидокорона меҳнати, азму шижоати билан барча кўрсаткичлар бўйича янги йилимиз 2015-йилдан зиёда бўлади, асло кам бўлмайди. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин емас. Мана шундай олижаноб мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ёр бўлишини тилайман»* - деб ўз маърузаларини тугатган эди.

**- диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги;**

Товуқ, ўрдак, ғоз, курка ва бедана тухумларини асосий таркибига кирадиган кимёвий моддаларни ўрганиш тухумларда учрайдиган порокларни аниқлаш ҳамда таркиби ўзгарган тухумлардан “меланж” тайёрлаш технологияларни ўрганиш долзарб муоммолар қаторига киради. Буларни ўрганишда бевосита керакли бўлган услублар ва янги технологиялар қўлланилади.

**- тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши;** Танланган мавзу бўйича барча илмий ишлар Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, ветеринария факултети, ҳайвонларнинг юқумли ва инвазион касалликлари кафедрасида Самарқанд шаҳар худудидаги деҳқон бозорларининг ветсанэкспертиза лабораторияларида, Самарқанд вилоят ва шаҳар ветеринария лабораторияларида бажарилди.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

**- тадқиқот мақсади ва вазифалари;**

Ишлаб чиқариш жараёнида турли паррандалардан олинаётган тухумни ва гўштни таркибини ва гўштдаги ўзгаришларни ўрганиш тажрибанинг асосий мақсади ва вазифалари қаторига киради. Кўпгина адабиётлар маълумотига кўра истеъмол учун ишлатиладиган тухумлар таркибига икки усулда микроорганизм тушади.

- экзоген
- эндоген

тухумнинг таркибидаги микробларни энг хавфлиси сил, салмонеллалар ва турли хилдаги вирусларнинг қўзғатувчилари ҳисобланади.

**- тадқиқотнинг асосий мақсадлари ва фаразлари;**

Тухум таркибини ўзгариши турли усуллар ёрдамида ўрганиш ва буларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш тажрибани асосий мақсади ва фаразлари ҳисобланади. Ҳозирги кунда етиштирилаётган товуқларни тухуми тоифаларга ажратиш ажратиш ҳам фаразларнинг бири ҳисобланади кейинги пайтларда сотилаётган тухумлар тоифаларга ажратиляпти буларни ўганиш ҳам мақсадлардан бири ҳисобланади

**- мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили;**

Л.Н.Звонова ва бошқаларнинг (1996) фикрига кўра, паррандачиликдан кўпроқ тухум ва гўшт олиш учун уларни поколениясини тез-тез алмаштириб туриш талаб этилади. С.Г.никитенко ва бошқаларнинг айтишига (1990) қараганда товуқчиликда юқори махсулдорликка эришиш учун янги технологик шароитларда паррандачиликни ривожлантириш керак. З.И.Смирнова ва бошқаларнинг (1990) кўп йиллик тажрибаларидан шундай хулоса қилинган, яъни товуқчиликни ривожлантириш пайтида, энг аввало яхши парранда олиш учун хурозларни ҳам зотдорлари танлаб олиниши керак. В.П.Тароповский ва бошқаларнинг (1990) фикрига кўра паррандачиликда селекция ишларини яхши ўтказиш учун, клеткаларда барча ишларни амалга ошириш 100% эффект беради. Н.С.Горбачёванинг (1990)



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

айтишига кўра товуқ ва хурозларнинг жинсий етилиши кўпгина омиллар билан боғланган. Масалан, гўшт учун боқиладиган хурозларда жинсий етилиши барвақтроқ ёки жуда кечроқ бўлиши мумкин буларни барчаси уларни зотига боғлиқ. Хосе Роман Вильенинг (1990) ўрганган тажрибасига кўра, бройлер жўжаларини Куба шароитида бўрдоқига боқилганда бошқа жойларга нисбатан тезроқ катта оғирликка эга бўлиши аниқланган. В.Ф.Нагиьбина ва бошқаларнинг (1995) фикрига кўра Қозоғистонда ургатилган ғоз ва ўрдаклар климитни тез ўзгарувчанлиги туфайли у даражада ўзгаришга эриша олмаган. А.П.Подстрешный ва бошқаларнинг тажрибасига кўра (1990) паррандачиликда селекция ишларини яхши ўтказиб юқори маҳсулдорликка эришиши учун барча паррандаларни қони доимий равишда текшириб борилиши шарт. Ю.В.Бондаренко ва бошқаларнинг (1990) айтишига кўра паррандачиликдан олинаётган маҳсулотларни сифатини яхшилаш учун санитария гигиена қонун қоидаларига амал қилиниши зарур. А.Я.Маслобоевнинг (1990) айтишига қараганда паррандачиликни ривожлантиришдан олдин озуқ заҳиралари яратилиши лозим. М.Т.Лысов ва бошқаларнинг (1990) фикрига кўра паррандачиликни яхши ривожлантириш учун уларни озуқасига марганца ва цинкани қўшиш яхши натижа беради. В.И.Макарова ва бошқаларнинг фикрига кўра, паррандачиликда яхши натижага эришиш учун уларнинг озуқасини таркибига витаминлар, антибиотиклар, гормонлар, ферментлар ва бошқа компонентларни қўшилиши яхши натижа беради. А.Ризаев Б.Мирсаидов ва бошқалар зоовет 2011 йил 8 сон 36 бет. Маълумотларига кўра паррандачилик хўжаликларида тухум олишни кўпайтириш учун уларнинг озуқасини таркибига ёғ ва ўсимлик мойлари қўшилса тухумни қўйиш кўпайиши кузатилган. А.С.Сергеев ва бошқалар Рукавотиства по технологий периработкий раститилних самел и жиров лилингирад 1982 йил 90-бет. Ва бошқаларнинг маълумотига кўра паррандачилик хўжаликларида тухумни кўпайтириш учун икки гурух паррандалар олинган шулардан биринчи гурухи фақатгина 100% кормикорма билан боқилган иккинчи гуруҳ эса 97 % комбикорма 3 % ёғли моддалар



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

қўшилганда тухум бериш 14 % га ошган. О.Жавхаров Л.Я.Тиркашов зоовет 2015 йил 8 сон 4-44 бетлар. Инсонларни оқсил моддага бўлган эхтиёжларни қондиришнинг 70 % чорвачилик махсулотлари улушига тўғри келади инсон 1 йилда 82-84 кг гўшт махсулотлари 300-315 кг сут махсулотлари 220 дона тухум 19 кг атрофида балиқ истемол қилиши лозим. Ахолини кундалик хаётида дейитик озиқ-овқат махсулотларидан хисобланган тухум ишлаб чиқаришни кўпайтириш сифатини яхшилаш тўйимлилигини ошириш ва махсулот таннархини арзонлаштириш паррандачилик билан шуғилланаётган фермир хўжаликларининг асосий мақсадларидан бири хисоблади. С.С. Исломхўжаев ва бошқалар паррандачиликдан амалий машғулоталар ўзбекистон нашриёти 1996 йил 47 бет. Тухум юналишидаги товуқларнинг озиқа ратсионига қизил чувалчанглар таркибидаги оқсил ёғ ва минирал моддалар кам тухум товуқларни махсулдорлигини оширишга яъни уларни сертухум қилишга шгунингдек нимжон товуқларни саломатлигини тиклашга ва олинатотган тухумлар вазнини оширишага олиб келади. Ҳ.П.Нурмаматов Ж.И.Тоиров зоовет 2014 йили 7 сон 39-40 бет. Маълумки паррандалар ичимлик сувини озиқага нисбатан 2 баробар кўп истимол қилади ва бу холат ўз навбатида парранда организми учун катта аҳамият касб этади. Товуқларни ион алмашинувчи фелтирдан ўтказилган ва химикис препарати аралаштирилган сув билан суғориш тухум олишни 1,3-2,6 % га ортишига олиб келади. Бунда махсулот олиш учун озиқа сарфи 1-1,2% га камаяди. В.Ермолива “ Практикум по микробиологий “ москива 1990 йил. Тухумнинг ички моддалари микроорганизимлар учун яхши озиқ мухтида оқсилнинг таркибидаги микроорганизимларга қарши турадиган уларни халокатга олиб келадиган оқсилли модда лизотсим бор. Лизотсим модданинг миқдори тухум оқсилида қанча кўп бўлса тухум шунча микробли бузулишни узоқ сақланади. Тухумларнинг микроблар билан захарланиши эдоген ва экзогин йўллар орқали бўлади. Микрооганизмларнинг тухум ичига ўтиши бир неча факторларга боғлиқ. Э.С.Загаевиский Саллманиллози животнех кейив 1987 йил. Тадқиқотларга кўра $20^0$ ҳароратда ва ҳавонинг нисбий намлиги 80-85 %



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

бўлганда Псеудомонос ва Пратиус микроорганизимлари тухумнинг зич пўстлоғи сиртидан ички қатламларига 2-5 кундан Салм. Тйҳинулиум 8-11 кунда ичак таёқча 13-15 кунда ва Аспергиллус 5-9 кунда ўтади. Псевдуомонос авлодидаги микробларнинг тухумлар ичига ўтиши орқали яшил чириш содир бўлади. Н.Н. Кремова Ю.Н.Ласкова Спаровочник по ветеринарно-санитарной экспертизий продуктов животноводства москва 1999 г. Маълумотларига кўра ғоз ёғининг эриш даражаси 26-34$^0$ худди қорамолларнинг сариёғи сингари ғоз ёғинг организмда хаз бўлиш даражаси 97-98 % га тенг товуқ ёғининг эриш харорати 30-32$^0$ курканики 31-32$^0$ ўрдакники эса 27-39$^0$ га тенг. Ёғларнинг ёдли числоси товуқники 58-80 ғозники 66-73 ўрдакники 58-72 курканики 68-81 га тенг. А.М.Певизнер часная ВСЕ москва 1985 г тадқиқотларига кўра боқилган парранда гўшти 12-24 соатдан кейин анча юмшаб организимда ҳазм бўлишлик даражаси ортади. Совитгичга ёки сотиш базаларига олиб келинаётган хар қайси туркум парранда гўшти янгиликка органалиптик ва лабараторя усуллар ёрдамида текширилиб кўрилади. С.М.Муродов қишлоқ хўжалик махсулотларини все қайта ишлаш технология асослари ва стандартизасияси самарқанд 1997 йил озиқ овқат учун ишлатиладиган ва сотиш ахамиятига эга бўлган тухум деганда товуқ,курка,ўрдак,ғознинг тухуми назарда тутилди. Парранда тухумлари қуйидаги турларга бўлинади. 1.пархиз тухум 2.янги тухум 3.совитгич тухум 4.охакли тухумлар.

Муродов С.М Ветеринария санитария экспертизаси Самарқанд 2006 йил. Паррандаларни сўйиш ва қайта ишлаш сехида ветеринария хизматининг мақсади қилинаётган ишлар юзасидан кундалик назорат қилиш яъни паррандаларнинг қайта ишланиш жараёнига эътибор бериш билан биргаликда ишчиларнинг гегеиналарига риоя қилишларини эътиборга олиш ва олинган парранда гўштини экспертиза қилишдан иборат.

Ветеринария қонунчилиги --- Товуқ бедана ўрдак ва ғоз тухумларини в этеринария санитария экспертизасидан ўтказиш қоидалари. Ўзбекистон



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги худудидаги давлат ветеринария бош бошқармасининг 2008 йил 19 март 25 сон буйруғИ билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан экспертизадан ўтказилган 2008 йил 17 март № 20 15-76/11 бунда бир умумий қисим ва олти банндан иборат. А.Алимардонов зоовет 2010 йил 4-сон 23 бет. Парандачилик хўжаликларида хар-хил стерислар махсулдорликнинг кескин камайишига олиб келади. Ҳозиргача стрессларнинг ягона таснифи йўқ чунки уларнинг турлари жуда хилма-хил хамда стрессларнинг таъсири турли ҳайвонларда турлича. Паррандачилик хўжаликларида стресслар эмлаш қон олиш озиқлантириш озиқа ратсионинг ва озиқа тарқатиш вақтининг ўзгариши оқибатида келиб чиқади. Стерресслар паррандалар соғлигига ва махсулдорлигига салбий таъсир кўрсатиб ўлимим кўпайишига олиб келади тухум махсулдорлиги 15-20 % га камаяди.

**- тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи;** Озиқ-овқат учун ишлатиладиган ва сотилиш аҳамиятига эга бўлган тухум деганда товуқ, курка, ўрдак ва ғознинг тухуми назарда тутилади. Ўрдак ва ғознинг тухуми ўзининг тўйимлилига жиҳатидан ва таъмидан товуқнинг тухумидан қолишмайди, лекин шунга қарамасдан улар фақатгина нон тайёрлаш саноатида ишлатилади. Курка ва товуқсимон товуқларнинг тухуми фақатгина жўжа очириш учун ишлатилади. Тухум тайёрлаш базаларидан ва совутқичлардан сотитш учун чиқарилаётган товуқнинг тухуми қуйидаги турларга бўлинади: а) пархез, б) янги, в) совутгич, г) оҳакли тухумларга бўлинади.

1. Пархез (диетик) тухум. Бут тухумга товуқлар туққандан кейин 5 кунгача бўлган янги тухум киради.

2. Янги тухум – бунга маълум шароитда, ҳароратда ва намликда омборларда ёки совутгичларда 30 суткагача сақланган тухум киради.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Совутгичлардаги ҳарорат минус 2-2,5 ва плюс 0,5-1,5$^{o}$ бўлиб, сақланишига қараб шамоллатиб турилиши керак.

3. Совутгичдаги тухум – парранда тухумлари 30 суткадан ортиқроқ совутгичда сақланса совутгичдаги тухум деб юритилади.

4. Оҳакли тухум – агар тухумлар сундирилмаган оҳакдан тайёрланган оҳакда консервасия қилинган бўлса, оҳакли тухум деб юритилади.

**Тухумнинг тузилиши.** Нормал ҳолатдаги уй паррандасидан олинган тухум асосан учта қисмдан иборат: сариқ, оқсил ва пўчоқ. Товуқнинг тухуми узунасига қирқилганда овал шаклда бўлиб, бир томонининг охири ўткир иккинчи томонининг охири ўтмас.

Товуқ тухумининг минимал оғирлиги 40-47 г, пархез тухумининг оғирлиги 1 – тоифали бўлса 54 г, ўрдак тухуми – 60 г, ғоз тухуми – 120, курканики – 49-58 г.

Ф.Касаткин товуқ ва ўрдакнинг тухумини қисмлариинng оғирилигини қуйидагича эканлигини аниқланган, шунга мувофиқ товуқ тухумининг умумий оғирлиги 54 г, шундан оқсил 31 г, сариғи – 16 г, пўчоғи – 6 г, гоғники ўртача оғирлиги 67,7 г, шундан оқсилнинг оғирлиги 36 г, скриғи – 24, пўстлоғи – 7,7 г.

**- тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти;**

Одамларнинг истемоли учун беҳқон бозорларида сотилаётган барча турдаги паррандаларнинг тухумини ветеринария санитария текширишидан ўтказилиб, уларда бўлаган турли хилдаги камчиликларни “Оваскоп” аппаратидан фойдаланган холда аниқлаш, шу билан биргаликда тухумларда аниқланган камчилиги бир тухумлардан “Меланж” тайёрлаш техникасини паррандачилик хўжаликларини амалиётга жорий этиш назарий ва амалий жихатдан мухим ахамиятга эга.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Бундан ташқари паррандачилик хўжаликларида юқумли ва инвасион касалликларни тарқалиб кетмаслигига йўл қўймаслик мухим ахамиятга эга. Паррандалар орасида юқумли касалликлар тарқалган бўлса, дархол олинаётган тухумларни турли усуллардан фойдаланган холда зарарсизлантириш ҳам амалий жихатдан муҳим ахамиятга эга. Бундан ташқари кўпгина паррандалар орасида учрайдиган салманеллёз касаллиги аниқланадиган бўлса, паррандалардан олинаётган гўшти ва тухуми зарарсизлантирилгандан кейин тегишли жойларда ишлатилишига тавсия этилади. Агарда бу тоифага кирадиган тухумлар текширилмасдан сотиладиган бўлса, одамларда касалликларнинг келиб чиқишига сабачи бўлади. Паррандачилик хўжаликларида етиштирилаётган гўшт ва тухумларнинг барчаси ветеринерия назоратида бўлиши лозим. Бу ишларни барчасини тўғри амалга ошириш назарий жихатдан мухим аҳамиятга эга.

**- тадқиқотнинг илмий янгилиги**

Ишлаб чиқаришда минглаб камчиликка эга бўлган тухумларни ўз вақтида ажратиб олиб улардан меланж тайёрлаш технологиясини ўрганиш долзарб муаммолар қаторига киради. Ишлаб чиқарилаётган меланж нон саноатида ишлаб чиқаришга жорий этилиши тажрибада бажариладиган ишларни янгиликлардан бири ҳисобланади.

**- диссертация таркибининг қисқача тавсифи;** Диссертация иши 88 бетларда компютер ёзувида берилган ва унинг таркибига 3 та бобдан иборат. Унга кириш, адабиётлар шарҳи,тадқиқотлар обекти ва услублари, тажрибаларнинг натижалари, тадқиқот натижалари бўйича мулоҳазалар, хулоса, амалий тавсия, 2 та жадвал ва 69 та адабиётлардан ташкил топган ва адабиётлар рўйхатидан иборат хусусий тадқиқотлар киради.

## И. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ .



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Кишилар томонидан истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларини ичида паррандачиликдан олинаётган маҳсулотлар ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Паррандачилик қанчаки яхши ривожланса олинаётган маҳсулотларнинг микдори кўпаяди ва арзонга тушади. Паррандадан олинаётган гўшт, тухум ҳамда пат-парпара кундалик эхтиёжда ишлатиладиган маҳсулотлар қаторига киради. Чорвачиликни ривожлантириш билан биргаликда паррандачилик ривожлантириш Ўзбекистон фуқароларини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини ҳар томонлама қондиришда паррандачиликдан олинаётган маҳсулотлар диетик маҳсулотлар қаторига киради. Паррандачиликдан олинаётган гўшт ва тухум ўзининг таркибини парранданинг турли хилдаги касалликларида ўзгартириш мумкин. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш жараёнида паррандаларни танасини қайта ишлаб ветеринария санитария текшириши ўтказилиши пайтида тана гўштидаги ва органлардаги паталогоанатомик ўзгаришларга эътибор қаратилиши лозим. Ветсанекспертиза текшириши ўтказилмасдан ишлатилган гўшт ёки тухум турли хилдаги юқумли ва заҳарланиш касалликларини чақириши мумкин. Паррандачилик соҳасини ўрганишга ўзини ҳиссасини қўшган олимлар жуда ҳам кўпчилик ташкил қилади. Булар жумласига қуйидагилар киради. Гўшт саноати ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларидан бири паррандаларни қайта ишлаш пайтида олинаётган маҳсулотларнинг 100% олишга эришиш керак. В.А.Гоноский ва бошқаларнинг тажрибасидан шу нарса аниқланганки (1991), яъни ҳайвонлар ва паррандаларнинг тана гўштини обвалка қилиш пайти жуда кўп маҳсулотлар йўқолади. Шунинг учун ҳам бу олимлар обвалкалаш жараёнини ҳар томонлама мукаммаллаштиришга эришишни тавсия этади. Ҳозирги кунда обвалкалашнинг механизасиялашган усулидан фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Б.М.Двинскийнинг (1989) тахлил қилиб аниқлашига кўра ҳозирги кунда СНГ миқёсида ва чет элларда ишлаб чиқарилаётган обвалкалаш аппаратлари ичида энг қулайи. АҚШ фирмасида ишлаб чиқилган «Беехиве мачинерйжнс» ҳисобланади. Бу машина ўзининг



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

барча жиҳатларига кўра бошқа аналоглардан ўз устинлиги билан фарқ қилади. Фронинг И.W. (1986) ва Фиееу (1986) йилларда машина ёрдамида парранда гўшти обвалка қилинганда гўштнинг таркибидаги ёғ миқдорини кўпроқ қолиши ва намлигини бироз камайганлиги аниқланган. Ж.Р.Андерсон ва бошқаларнинг (1984) аниқлашича парранда гўшти қўл ёрдамида обвалка қилинганда гўштнинг таркибидаги РН даражаси бир мунча юқорироқ бўлиши мумкин. Водород ионии консентрасиясининг оз бўлсада юқори бўлишлиги гликолий жараёнининг такомиллаштириш билан боғланган. Гўштнинг таркибидаги минерал моддаларнинг миқдори эса қўл билан обвалкалаганга қараганда кўпроқ. Парранда гўштини машина ёрдамида обвалка қилган пайтда гўштнинг таркибидаги калсийнинг миқдори бир оз кўпайиши мумкин, бундан ташқари обвалка қилинган гўштнинг таркибидаги жуда кичик суяк бўлакларини бўлмаслигига эришишини муҳим аҳамиятга эга. Гўштнинг таркибидаги кичик суяк бўлакчалари кўпайиб кетиши маҳсулот таркибига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари обвалка қилинган гўштдан турли хилдаги консервалар тайёрланганда ёки паштет тайёрланганда маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатади. Механик равишда обвалка қилинган парранда гўштидан турли хилдаги сосиска ва консервалар тайёрланганда, бу тайёр маҳсулотларнинг органолептик ва лаборатория сифат кўрсаткичлари кўлда обвалка қилинган гўшт нисбатан барча жихатлари бўйича яхшироқ бўлишига эришилган. Пигула А., Реит Ж ларнинг консерва тайёрлаш (1989) технологиясида қиймаланган парранда гўштининг таркибига 30% ўрдак гўшти қўшилиб тайёрланганда маҳсулотнинг  барча сифат кўрсаткичлари яхшиланган. У.Ф.Лебедев ва бошқаларнинг (1990) кўп йиллик ўтказган тажрибасидан шу нарса аниқланган, яъни парранда гўштини ишлаб чиқариш пайтида гўштга совуқроқ ишлов берилишига муҳим аҳамиятга эга бўлиб, гўштнинг сифатини яхшиланишига олиб келади. Юқоридагилар инобатга олинган холда ишлаб чиқариш жараёнига паррандалардан олинаётган гўштни иммерсион музлатиш тавсия этилган. Гўшт иммерсион музлатилганда гўшт



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

тўқималарининг таркибий қисмларида жуда кичик муз заррачалари ҳосил бўлади. Бу ҳосил бўлган жуда ҳам кичик муз заррачалари музлатилган парранда гўштини дефрастасиялашда гўштнинг таркибидан жуда ҳам кам миқдорда гўшт шираси ажралиб чиқади. Гўштнинг таркибидаги кам миқдорда гўшт ширасини ажралиб чиқиши, гўштга кулинария ишлов берилишда муҳим аҳамиятга эга, чунки гўштнинг шираси қанчаки гўштнинг таркибида кўпроқ сақланиб қолса шунчалик тайёрланган маҳсулотнинг таъми яхши бўлади. В.Н.Арзамассевнинг (1999) ўтказилган тажрибасидан шу нарча аниқланганки, яъни хўжаликлар томонидан кўплаб ишлаб чиқарилаётган тухум сақланиш жараёнида ўзининг таркибидан кўплаб намликни йўқотади, шунинг учун ҳам намликни йўқолиши атрофдаги ҳаво намлигига боғлиқлиги аниқланган. Бу тажрибага асосан агар тухум совитгичларда сақланса ўз оғирлигига нисбатан кўпроқ миқдорда намликни йўқотилиши аниқланган. Чунки совутгичларда намлик юқори. Бу олимнинг фикрига кўра хўжаликлар томонидан етиштирилаётган тухум махсус омборхоналарда сақланишлиги тавсия этилади. Омборхоналарда сақланган тухум ўз оғирлигига нисбатан камроқ намлик йўқотган. Бу ишларни амалга оширилиши ишлаб чиқариш жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Хўжаликлар томонидан етиштирилаётган диетик тухумнинг оғирлиги ўртача 54 г. бўлиши лозим. Агарда шу оғирлик ўзгартирилмасдан сақланса тухумнинг таркиби у даражада ўзгармайди. С.С.Кругалев ва бошқаларнинг (1982) тажрибасига кўра ишлаб чиқарищ жараёнида жуда кўплаб тухум олиш пайтида иложи борича уларнинг синишига ёрилишига ва бошқа камчиликларни келиб чиқишига йўл қўймастлик учун янги типдаги конвейр линиясини қўйилишини тавсия этади. Бу линия ишга тушганда тухумларнинг ёрилиши, синиши камаяди. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. В.В.Слизаровнинг (1986) ишлаб чиқаришга тавсия этган услубларидан бири парранда гўштини обвалка қилиш пайтида Недерландияда ишлаб чиқилган аппаратни ишлатилишлиги яхши натижа берган. Бу аппарант қўлланилган пайтда гўштни суякдан



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

ажратиш анча қулай ва ҳосил бўлган юмалоқ гўштда жуда ҳам кичик бўлган суяк бўлакчалари кам. Т.И.Савидова ва бошқалар (1986) тухумдан тайёрланадиган тухум меланжини тайёрлашда ёки курутилган порошок ишлаб чиқаришда курутадиган сушилканинг ҳаммини камайтиришни тавсия этади. Бу усул қўлланилганда маҳсулотнинг чиқиш миқдори анча ортади. Адабиётлар тахлилига кўра шундай хулоса қилиш мумкинки, яъни парранда гўшти ва тухумни ишлаб чиқариш жараёнида кўплаб ишлаб чиқариш, сарф қилинаётган харажатларни камайтиришда энг аввало янги технологияларни жорий этилиши ишлаб чиқариш амалиётда самарадорликни оширади. К.В.Злочевский ва бошқаларнинг айтишига қараганда (1997) қишлоқ хўжалик паррандаларини маҳсулдорлигини ошириш учун энг аввало селексия ва генетик текширишлари олиб борилиши керак. В.Н.Бурадишкиннинг (1990) фикрига кўра юқори сифат парранда гўшти ва тухум олиш учун паррандаларни пародасига катта эътибор қаратилиши лозим. С.Д.Шамбаева ва бошқаларнинг (1990) ўтказган тажрибаларидан шу ранча аниқланганки, яъни паррандалардан кўпроқ миқдорда тухум олиш учун уларни турли туман озуқалар билан таъминлаш билан биргаликда балиқ ёғи ҳам бериб туриш талаб этилади. Л.Н.Звонова ва бошқаларнинг (1996) фикрига кўра, паррандачиликдан кўпроқ тухум ва гўшт олиш учун уларни поколениясини тез-тез алмаштириб туриш талаб этилади. С.Г.Никитенко ва бошқаларнинг айтишига (1990) қараганда товуқчиликда юқори махсулдорликка эришиш учун янги технологик шароитларда паррандачиликни ривожлантириш керак. З.И.Смирнова ва бошқаларнинг (1990) кўп йиллик тажрибаларидан шундай хулоса қилинган, яъни товуқчиликни ривожлантириш пайтида, энг аввало яхши парранда олиш учун хурозларни ҳам зотдорлари танлаб олиниши керак. В.П.Тароповский ва бошқаларнинг (1990) фикрига кўра паррандачиликда селексия ишларини яхши ўтказиш учун, клеткаларда барча ишларни амалга ошириш 100% эффект беради. Н.С.Горбачёванинг (1990) айтишига кўра товуқ ва хурозларнинг жинсий етилиши кўпгина омиллар билан боғланган. Масалан,



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

| Гўшт намуналари | Аммиака реаксия | Пероксидаза реаксияси |
|---|---|---|
| 1-намуна | Кўкимтир сариқ | Кўк |
| 2-намуна | Кўкимтир | Кўк |
| 3-намуна | Кўкимтир | Кўк |
| 4-намуна | Кўкимтир | Кўк |
| 5-намуна | Кўкимтир | Кўк |
| 6-намуна | Сариқ | Қўнғир |
| 7-намуна | Сариқ | Қўнғир |



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Текшириш натижасида олинган натижалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, яъни 6 ва 7-намуналарда аммиака текширилганда ҳамда пероксидаза реаксияси қуйилганда сариқ ва қўнғир рангларнинг ҳосил бўлиши парранда гўштининг таркибий қисмларида оқсилларнинг физиколлоид структурасини ўзгариши билан биргаликда, хужайра тўқималарининг парчаланаётганлигидан далолат беради. Бизга маълумки, яъни паррандалардан олинаётган гўшт бошқа турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонлар гўштидан бириктирувчи тўқималарнинг камлиги ва нозиклиги билан фарқ қилади.

4-жадвал

Лаборатория текшириш натижалари

| Гўшт намуналари | Аммиака реаксия | Пероксидаза реаксияси |
|---|---|---|
| 1-намуна | Кўкимтир | Кўк |
| 2-намуна | Сариқ | Қўнғир |
| 3-намуна | Кўкимтир | Кўк |
| 4-намуна | Кўкимтир сариқ | Кўк |
| 5-намуна | Кўкимтир | Кўк |
| 6-намуна | Кўкимтир | Кўк |
| 7-намуна | Сариқ | Қўнғир |

Текшириш натижасида олинган натижалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, яъни 2 ва 7-намуналарда аммиака текширилганда ҳамда пероксидаза реаксияси қуйилганда сариқ ва қўнғир рангларнинг ҳосил



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

бўлиши парранда гўштининг таркибий қисмларида оқсилларнинг физиколлоид структурасини ўзгариши билан биргаликда, хужайра тўқималарининг парчаланаётганлигидан далолат беради. Бизга маълумки, яъни паррандалардан олинаётган гўшт бошқа турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонлар гўштидан бириктирувчи тўқималарнинг камлиги ва нозиклиги билан фарқ қилади.

5-жадвал

| Тана қисмлари ва кўрсаткичлари | Ўзига хос белгилари | |
|---|---|---|
| | Янги (назорат намунаси) | Янгиликка гумон қилинган |
| Тери ости ва ички ёғ тўқимаси | Оқ-сарғишт | Сариқ |
| Оғиз бўшлиқ шиллик пардаси | Ялтироқ | Кулранг қисман шиллик билан қопланган |
| Кўзолмаси | Коварақ | Шоҳланган пардаси ялтирамайди |
| Консистенсияси | Таранг | Ёпишқоқ |
| Тана юзаси | Қуруқ | Юмшоқ |
| Шўрвасининг тиниқлиги | Тиниқ | Қуйқали лойқа |
| Қирқилган мускули | Сарғишт | Ёпишқоқ намли |

Текшириш натижаларига кўра шундай хулоса қилиш мумкинки, яъни иккита текширилган парранда барча янгилик кўрсаткичлари, яхши эмаслиги аниқланди. Бу тоифага кирадиган парранда гўшти утил қилинишлиги ёки



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

бўлмаса маълум тартибда зарарсизлантирилгандан кейин ишлатилиши мумкин. Текшириш учун бошланишда олинги бешта намунада ва кейин иккита намунани лаборатория усуллари ёрдамида текширганимизда қуйидаги натижалар олинди.

## Деҳқон бозорида сотиладиган парранда тухумларини текшириш

Ветеринария санитария экспертиза қонун қоидаларига кўра, деҳқон бозорларида фақатгина уй парранда тухумларини сотишга руҳсат этилади. Бошқа паррандаларнинг тухумларини сотишга руҳсат этилмайди, чунки сувда сузувчи паррандаларнинг тухумининг таркибида кўпчилик ҳолатларда салмонелла гуруҳига кирадиган микроорганизмлар аниқланган.

Биз ўз тажрибамизда жами бўлиб 100 дона тухумни текширдик. Тухумни текшириш пайтида «овоскоп» аппаратидан фойдаланилди. Барча тухумлар «овоскоп» билан текширилганда асосан қуйидаги камчиликлар аниқланди. Текшириш учун 100 дона тухум 10 та гуруҳга бўлинди ва текшириш ишлари олиб борилди.

6-жадвал

| Тухум намуналари | Озиқ-овқат учун яроқли тухум | Озиқ-овқат учун яроқсиз тухум |
|---|---|---|
| 1-намуна | 8 | 2 |
| 2-намуна | 10 | - |
| 3-намуна | 7 | 3 |
| 4-намуна | 9 | 1 |



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

| | | |
|---|---|---|
| 5-намуна | 10 | - |
| 6-намуна | 8 | 2 |
| 7-намуна | 17 | 3 |
| 8-намуна | 13 | - |
| 9-намуна | 10 | - |
| 10-намуна | 8 | 2 |
| | Жами: 100 дона | 13 дона |

Текшириш натижаларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, яъни жами бўлиб текширилган 100 дона тухумдан 87 донаси яхши сифатли бўлиб талаб даражасига тўлиғича жавоб беради, қолган 13 донаси эса озиқ-овқат учун ишлатилиши мумкин эмас. Агарда озиқ-овқат сифатида ишлатилиш, заҳарланиш ёки бошқа юқумли касалликни чақириши мумкин.

## Озиқ овқат учун ишлатиладиган парранда тухумининг ветеринария-санитария экспертизаси

Озиқ-овқат учун ишлатиладиган ва сотилиш аҳамиятига эга бўлган тухум деганда товуқ, курка, ўрдак ва ғоз тухумлари назарда тутилади. Ўрдак ва ғоз тухумлари ўзининг тўйимлилиги жиҳатидан ва таъмининг яхшилиги жиҳатидан товуқ тухумидан қолишмайди. Лекин шунга қарамасдан, улар фақатгина нон тайёрлаш саноатида ишлатилади. Курка ва товуқсимонлар тухуми фақатгина жўжа очириш учун ишлатилади.

Тухум тайёрлаш базаларидан ва совитгичлардан сотиш учун чиқарилаётган товуқ тухумлари қуйидаги турларга бўлинади:

а) пархез (диетик) тухум; б) янги тухум; д) яхлатилган тухум; э) охакли тухум

**1. Пархез (диетик) тухум.** Бу тухумларга товуқ туғгандан кейин 5 кунгача бўлган янги тухумлар киради.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

**2. Янги тухум.** Бунга маълум шароитда, ҳароратда ва намликда омборларда ёки совитгичларда 30 суткагача сақланган тухумлар киради. Совитгичлардаги ҳарорат минус 2-2,5$^{o}$ ва плюс 0,5-1,5$^{o}$ бўлиб, сақланишига қараб шамоллатиб турилиши керак.

**3. Яхлатилган тухум.** Парранда тухумлари 30 суткадан ортиқроқ совутғичларда сақланса, яхлатилган тухум деб юритилади.

**4. Охакли тухум.** Агар тухумлар сўндирилган оҳакдан тайёрланган эритмада консерватсия қилинган бўлса, оҳакли тухум деб аталади.

**Тухумнинг тузилиши.** Нормал ҳолатдаги уй паррандаларидан олинган тухум асосан учта қисмдан иборат: сариқ, оқсил ва қобиқ. Товуқ тухуми узунасига қирқилганда овал шаклда бўлиб, бир томонинг охири ўткир, иккинчи томонинг охири ўтмас. Товуқ тухумининг минимал оғирлиги 40-47 гр, пархез тухумнинг оғирлиги 1-тоифа бўлса, 54 гр, ўрдак тухуми – 60 гр, ғоз тухуми – 120 гр, курканики 49-58 гр.

Товуқ тухумининг умумий оғирлигини 54 гр десак, шундан оқсил 31 гр, сариғи – 16 гр, қоибиғи – 6 граммни ташкил этади.

**Тухум қобиғи.** Тухумни ташқи томонидан ўраб турадиган пўчоқ қопламаси қобиқ деб юритилади. Қобиқ уч қатламдан-ички, ғовакли ўрта ва ташқи қатламдан иборат. Қобиқ таркиби ноорганик ва органик моддалардан ташкил топган. Қобиқ тузилишига кўра жуда кўп ниҳоятда майда тешиклардан иборат. Бу тешикларнинг диаметри ҳар хил бўлиб, улар орқали тухумнинг намлиги парланади. Қобиқ ички томонидан қобиқ ости пардаси билан ўралган бўлиб, бу парда икки оқ пардадан иборат, яъни пастки оқсилга зич жойлашган оқсил пардаси ва юқори қобиққа зич жойлашган қобиқ ости пардасидан иборат. Икки парда ҳам бир-бири билан оқсил ёрдамида туташиб туради.

**Тухум оқсили.** Тухум оқсили рангсиз, тиниқ ва қатламли тузилишга эга. Оқсил уч-тўрт қатламли бўлиб, уларнинг оғирлиги ҳар хил.

**Тухум сариғи.** Янги, яхши сифатли товуқ тухумининг сариғи тиниқ, малҳамсимон бўлиб, ранги тиниқ сариқ бўлади. Солиштирма оғирлиги 1,028 – 1,030га тенг. Музлаш ҳарорати ўртача минус 0,6$^{o}$.

**Озиқ-овқат учун ишлатиладиган тухумларнинг микрофлораси.** Янги товуқ тухуми таркибида микроблар бўлмайди. Лекин кейинги кўпгина йиллаб ўтказилган тажрибалардан шу нарса маълумки, озиқ-овқат учун



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

ишлатиладиган тухумларга асосан икки йўл билан микроблар тушади. **Биринчиси** микроблар эндоген йўл билан тухум ҳосил бўлаётганда тушади. **Иккинчиси,** экзоген йўл, тухумларнинг қобиғидаги кичик тешиклар орқали киради.

Ендоген зарарланиш натижасида тухумга кўпгина юқумли касалликларнинг қўзғатувчи тушади. Шулар жумласидан сил, ўлат, пулороз, ларенготрохеит, лейкоз, салмонеллёз ва ҳ.к. Бундай зарарланган тухумлар паррандалар ўртасида кўпгина юқумли касалликларни тарқатадиган манба бўлиб хизмат қилиши ҳамда одамлар истеъмол қилганда заҳарланишини келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун бундай тухумлар одамлар истеъмоли учун хавфли ҳисобланади. Тухумнинг салмонеллёз билан зарарланиши касал товуқ туққан тухум аҳлатлари орқали ҳам ўтиш мумкин.

Паррандалар тухуми юқори ҳароратда сақланганда тухум таркибидаги микробларнинг кўпайишига олиб келади. Микроб бактериялари таъсирида тухумнинг икки қисми бутунлай бузилади, бунинг натижасида оқсил парчаланишидан кўп миқдорда қолдиқ моддалар ҳосил бўлади. Булар жумласига аминокислоталар, полипептидлар, ёғ кислоталар, кетонлар, алдегидлар, аммиак, углекислота, олтингугурт водороди ва бошқа моддалар киради.

## Тухумни текшириш тартиби, камчилиги ва ветеринария-санитария баҳолаш

Тухум жамғарадиган жойларда, қайта ишлаш корхоналарида, сақлаш хоналарида ва бозордаги экспертиза лабораторияларида ҳар доим ветеринария-санитария экспертиза қилиниши шарт. Бундай қоидага мувофиқ, аввало, тухумга берилган гувоҳнома синчиклаб текширилади, гувоҳномада олиб келинган жойи ва юқумли парранда касалликларининг бор-йўқлиги ёзилган бўлади. Тухумнинг сифатини, янгилигини аниқлаш учун «овоскоп» ишлатилади. Текширишда қуйидагиларга эътибор қилиниши керак: а) тухум қобиғининг қаттиқлиги ва бутунлигига

б) қобиқнинг тозалигига; д) тухум ичида бирор нарса бўлмаслигига.

«Овоскоп» ёрдамида оддий кўз билан кўринмайдиган ёриқлар, ҳаво камерасининг баландлиги, оқсил ва сариғининг ҳолати ва ҳ.к. аниқланади. Олинган тухумлар сифатига кўра озиқ-овқат ва техник брак тухумларга бўлинади.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

1.Озиқ-овқат учун тўла қимматли сифатли тухумларга янги, яхши сифатли, қобиғи бутун, ҳаво камераси 13 мм, оқсили зич ёруғликни ўтказадиган ҳолатни эгаллаган тухумлар киради. Кўпгина тухумларни «овоскоп» билан тенкширганда ёруғ доғлар «мармарид» кўринади. Уни катталиги игна тугма бошидек ёки каттароқ ҳам бўлиши мумкин.

2. Озиқ-овқат учун сифатсиз тухумларга камчилиги кўп тухумлар киради. Қобиғи ёрилиб оққан, кичик доғли, ҳаво камераси катталашган.

а) **қуриб-қотган тухум** – бундай тухумнинг сариғи қобиққа ёпишиб, қотиб қуриган, лекин моғорламаган бўлади.

б) **ичи аралашган тухум** – бу тухумнинг оқсили қисман сариғига аралашиб кетган бўлади, лекин ёмон ҳидга эга эмас.

д**) кичик доғли тухум** ичида бир неча ҳаракатсиз кичик доғлар бўлади.

е) **ҳидланган тухум** – атрофидаги тез учувчан ҳидларга эга бўлган тухумлар.

Озиқ-овқат учун сифатсиз тухумлар сотилиши мумкин эсмас, лекин бундай тухумлар нон ва бошқа турдаги нон маҳсулотлари тайёрлашда ишлатилади, ёки юқори ҳарорат таъсирида ишлов берилгандан кейин эгасига қайтарилади ва хўжалик эҳтиёжлари учун ишлатилади.

1. Техник брак тухумларга қуйидаги камчилиги бор тухумлар киради.
**Красюк** – тухумнинг оқи сариғига бутунлай аралашиб кетган тухумлар.

**Қонли ҳалқа** – тухум сариғи юзасида юмалоқ ҳар хил шаклдаги қон томирлари бўлади. Бу фақат овоскопда кўринади.

**Катта доғли тухум** – тухум ичида бир қанча катта ҳаракатсиз доғлар бўлади.

**Тумак** – тухум ичи тиниқ бўлмаган тухумлар.

**Палағда** – инкубатордан уруғланмаган тухумларнинг ажратиб олинган қисми.

Бундай тухумлар техник жиҳатидан брак қилинади.

Ўрдак ва ғоз тухумларини тайёрлашда қуйидаги талабларга амал қилинади:



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

**а)** хўжаликларда, тайёрлаш пунктларида, бозорларда, омборларда жамғарилган ўрдак ва ғоз тухумлари товуқ тухумидан алоҳида бўлиши керак.

**б)** ғоз ва ўрдак тухумлари алоҳида қутиларга жойланади ва қутиларга «ўрдак тухуми», «ғоз тухуми» деган муҳр босилади.

**д)** ўрдак ва ғоз тухумларини бирор жойга жўнатиш учун бериладиган ветеринария гувоҳномасида тухумларни қутиларга жойлаган ва ортилган вақт ёзилади.

**г)** ўрдак ва ғоз тухумларини бошқа уй парранда тухумлари билан биргаликда жойлаш таъқиқланади.

**ф)** палағда тухумларни жамғариш ва озиқ-овқат учун сотиш таъқиқлади.

## Юқумли касалликларда парранда гўштининг ветеринария санитария экспертизаси. Тухумнинг ВСЭ. Парранда гўштини морфологияси, химиявий тузилиши ва товарлиги.

1.**Парранда гўштини морфологияси.**

Қишлоқ хўжалик паррандаларидан олинадиган гўштларнинг ранги оқиш-қизғиш ёки қорамтир-қизил, ёш паррандалар гўштини ранги, катта ёшдагиларникига қараганда очиқроқ бўлади. Ориқ паррандаларни гўштини ранги қорамтир-қизил ёки кўкимтирроқ рангга эга бўлиши мумкин.

Гўштни бундай рангга эга бўлиши, мажбурий тасодифан сўйилган паррандаларда ҳам кузатилади. Товуқ ва куркалар териси юпқа жуда ҳаракатчан бўлиб, тери ости тўпланишидан гўштни ранги оқ-қизғич ёки сариқ бўлиб кўринади. Сувда сузувчи паррандаларни терисини ранги, агар тери ости ёғлари бўлмаса қизғичроқ бўлиб кўринади.

Агар терисда яққол сариқ ранг кўриниб турса бу катта ёшдаги паррандаларга хос бўлади. Яхши ҳолатдаги парранда гўштини



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

консистенсияси таранг, қайишқоқ, қўл билан гўшт юзасини босганда ҳосил бўладиган чўқурча тезликда тўғриланади. Парранда танасидаги мускуллар, танада бир хилда эмас. Айрим олган бир кўкрак мускулини оғирлиги, бошқа тана мускулларидан оғиррок бўлиши мумкипн. Қишлоқ хўжалик паррандаларининг тана скелет мускулларининг гистологик структура тузилиши, иссиқ қонли ҳайвонлар мускул тўқимаси тузилишига ўхшаш. Ҳўроз гўштининг тузилиши, товуқларникига қараганда қурукроқ ва каттикроқ. Паррандалар тана мускулларида ёғ тўқималарнинг жойлашиши ҳам бир хилда эмас. Тухум кўп туғадиган зотли паррандаларда ёғ тўғри ичакда ва елка териси тагида тўпланади. гўшт берадиган паррандаларда ёғ асосан тери остида танасини ҳамма юзасида бир хилда жойлашади, лекин айрим пайтда мускуллар орасида ҳам бўлади.

Сувда сузувчи паррандаларда ёки тупланадиган жойлари қаноти тагида ва қорин бўшлиғида бўлади.

**Парранда гўштини химиявий таркиби ва етилиши**

Парранда гўштини химиявий таркиби ва коллория бериш қобилияти жадвалда мужассамлантирилган.

1- жадвал

| Ўртача семизликда сўйилган паррандалар | 100 г маҳсулотда % ҳисобидаги қурук моддаси | 100 г маҳсулотни етиладиган қисмини хал бўлиши | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Оқсил (г ҳис-да) | Ёғ (г ҳис-да) | Калория (г ҳис-да) |
| Товуқларни гўшти | 26,1 | 19,00 | 4,50 | 119,8 |
| Жўжа гўшти | 25,0 | 20,43 | 2,75 | 104,7 |



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Кўрка гўшти | 34,2 | 23,28 | 7,65 | 166,6 |
| Ўрдак гўшти | 38,8 | 17,58 | 17,10 | 231,1 |
| Ғоз гўшти | 46,6 | 15,68 | 26,10 | 307,0 |

А.А.Превованинг маълумотига кўра уй паррандаларининг % ҳисобида ҳар хил даражада боқилишига қараб ҳимиявий таркиби қуйидагича

2- жадвал

| Парранда танасини тури | Сув | Оқсил | Ёғ | Кул | Углеводлар |
|---|---|---|---|---|---|
| Ориқ товуқ гўшти | 76,2 | 19,7 | 1,5 | 1,3 | 1,3 |
| Ориқ ўрдак гўшти | 10,8 | 22,6 | 3,1 | 1,1 | - |
| Ўрта даражада боқилган товуқ | 70,8 | 22,6 | 3,1 | 1,2 | 2,3 |
| Ўрта даражада боқилган ўрдак гўшти | 59,1 | 18,3 | 19,0 | 1,3 | - |
| Яхши боқилган сесарка гўшти | 70,0 | 18,5 | 9,3 | 1,0 | 1,2 |
| Ўрта даражада боқилган сесарка гўшти | 69,1 | 23,9 | 6,0 | 1,0 | - |
| Ёғли ғоз гўшти | 38,0 | 15,9 | 45,9 | 0,5 | - |
| Ўрта даражада боқилган курка гўшти | 65,6 | 42,7 | 8,5 | 1,5 | - |

Кўпгина олимларни маълумотига кўра 100 грамм ейиладиган парранда гўштида мг фоиз ҳисобида витаминлар қўйидагича, витамин $B_1$ (тиамин)-0,2, иαвитамин А-0,02, пантоген кислотаси-0,330,43 ва фолиева кислотаси 0,12-



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

0,14 (жўжа гўштида). Уй паррандаларидан олинадиган каллапоча маҳсулоти (ошқозон, жигар, юрак) жуда юқори қийматли маҳсулот ҳисобланиб таркибида 20 дан 24 % гача оқсил ва 1,5 дан 6 % гача ёғ бўлади. Куркани юрагида, ошқозонида ва ғозни жигарида 13 дан 16 % гача ёғ бўлади. Парранда гўштидаги мураккаб етилиш жараёни етрали даражада ўрганилмаган.

Профессор А.М.Певзнернинг тушунчасига кўра боқилган парранда гўшти 12-24 соатдан кейин анча юмшаб организмда ҳал бўлишлик даражаси ортади. Профессор И.А.Смородинсев тушунчага биноан парранда гўшти жуда тез етилади, шунинг учун ҳам паррандалар сўйилгандан кейин тезда истеъмол қилиш мумкин. ветеринария дастурига ва қонунларига мувофиқ янги сўйилган парранда гўшти маълум даражада тозаланмасдан сотишга чиқарилиши манн этилади. Қоидага мувофиқ сотишга совутилган, музлатилган ҳолатдаги парранда гўштлари чиқарилиши мумкин. товуқ ва ғозларни ёғида фоиз ҳисобида кислоталарининг миқдори қўйидагича.

3- жадвал

| Ёғни тури | Алметин | Стеарин | Олеин | Линол |
|---|---|---|---|---|
| Товуқ ёғи | 18,4-27 | 4-7,5 | 37-54,8 | 17,8-23 |
| Ғоз ёғи | 20-21,0 | 6-10,6 | 41-49,1 | 6-19,3 |

Н.Н.Кримова ва Ю.Н.Ласковаларнинг маълумотига кўра ғоз ёғининг эриш даражаси 26-34$^{o}$, худди қорамоллар сариёғи сингари. Ғоз ёғини организмда ҳал бўлиш даражаси 97-98 % га тенг. Товуқ ёғини эриш ҳарорати 30-32$^{o}$, кўрканики 31-32$^{o}$, ўрдакники эса 27-39$^{o}$. ёғларни ёдли числоси товуқники 58-80$^{o}$, ғозники 66-73$^{o}$, ўрдакники 58-72 ва кўрканики 66-81$^{o}$.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

## Парранда гўштини сифат даражаси

Паррандаларни дастлабки қайта ишлайдиган саноат типидаги парранда корхоналарида олинаётган парранда тана гўштлари давлат талабига мувофиқ навларга ажратилади. Давлат стандартига мувофиқ берилади, бунда танага ишлов берилган усули ва семизлик даражаси ҳисобга олинади. Товуқ ва ўрдак гўштлари навларга ажратилади яъни бунда ёши ҳисобга олинади. Парранда гўштлари семизлик даражасига қараб икки категорияга бўлинади: биринчи ва иккинчи. Икки категориядаги тана гўштлари ҳам яхши қонсизланган, тери юзаси, тоза, яъни пат-парлар бўлмаслиги керак, тери юзасида Бирон тирналган, йиртилган жойи, доғлар ва қон қотиб қолган жойлари бўлиши мумкин эмас.

Ёш паррандалардан олинган биринчи категорияли тана гўштида, мускуллари яхши тараққий қилган тери тагини бир қисмида ёки бутунлай ёғ тўқималари қопланган бўлади. Кўкрак суяк тароғи билинмаслиги керак. Иккинчи категорияга кирадиган жўжа, товуқ, ҳуроз ва курка гўштлари ўртача тараққий қилган бўлиб, тери тагида у даражада кўп бўлмаган ёғларни қўл билан пайпастлаганда сезиш мумкин.

Агар ўртача даражада тараққий қилган мускулларда ёғ бўлмаса ҳам яхши ҳисобланади. Катта ёшдаги ҳамма паррандаларда тана мускуллари ўртачса даражада тараққий қилган бўлиб, қоринни пастки қисмида, тери тагида қисман ёғ тўпланган бўлади, бундай тана гўштлари иккинчи категорияга киради. Сувда сузувчи ўрдак ва ғозларни биринчи категорияга кирадиган тана гўштида, мускуллари яхши тараққий қилган кўкрак мускуллари юмалоқ, тери таги бир хилда ёғ билан қопланган бўлади.

Парранда тана гўштларини навларга ажратилганда ҳамма маҳсулдорлиги бўйича нав деб тан олинган бўлса, лекин тери юзаси ёмон тозаланган, ёмон қонсизланган бўлса бундай тана гўштлари иккинчи категорияга ўтказилади.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Давлат стандарти талабига мувофиқ иккинчи категория талабига жавоб бермайдиган тана гўштлари сотига чиқарилмайди, бундай тана гўштларини қайта ишлаб қолбаса тайёрланади ёки кулинария маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Икки марта қайта музлатилган, ранги ўзгарган парранда гўштларини семизлик категориясига қарамасдан фақатгина саноатда қайта ишланиш учун ишлатилади.

## Парранда гўштини ветеринария-санитария экспертизаси

Паррандаларни сўйиш ва қайта ишлаш сехида ветеринария хизматини мақсади, қилинаётган ишлар юзасидан кундалик назорат қилиш, яъни паррандаларни қайта ишланиш жараёнига эътибор бериш билан биргаликда ишчиларни гигиеналарига риоя қилишларини эътиборга олиш олинган парранда гўштини экспертиза қилишдан иборат. паррандаларни қайта ишлашни технологик жараёни сўйиш сехларида шундай ташкиллаштирилганки яъни ветеринария врачлари ярим тозаланган ёки бутунлай тозаланмаган таналар билан ҳам тутади. Сўйилгандан кейин олинган тана гўштларини текширишда тана юзаси кесилмайди. Лекин шу нарсани тутиш керакки, яъни парранда тана гўштини қайта ишлаш пайтида, бир партияга кирадиган тана гўштлари ичида айримлари ташқи кўриниши жиҳатидан  Бирон бир касалликка гумон қилинса, бу тана гўштини ички органлари синчиқлаб текширилади.

Юқумли касалликлар бор хўжаликдан олиб келинган тана гўштларини ички органлари Бирма-бир текширилади. Ветеринария-санитария кўриш нуқталари, парранда танасини тозалаш столи олдида амалга оширилади. Ветеринария врачлари бу стол олдида туриб парранда гўштларини ҳар томонлама текширгандан кейин, санитария жиҳатидан истеъмол учун яроқли деб топилса, бундай гўштларни истеъмол қилиш мумкин.

## Шартли яроқли парранда гўштларини зарарсизлантириш



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Паррандалардан олинган гўшт ва бошқа маҳсулотлари ветеринария-санитария қоидаларига асосланган ҳолда зарарсизлантирилади, лекин маълум даражада олдиндан ишлов берилмасдан ишлатиш мумкин эмас.

Гўшт ишлаб чиқариш корхоналарида махсус асбоб-ускуналарни, анжомларни зарарсизлантириш учун ёпиқ ёки очиқ автоклавлар ёки очиқ қозонлар, ишлатилади, очиқ идишлар гўштни солиб қайнатиш учун ўрнатилади. Бундан ташқари алоҳида пиширилган маҳсулотни сақлайдиган совутгичлар ва жиҳозланган бинолар бўлишлиги керак. Олинган гўштлар $100^{o}$ ли ҳароратда бир соат мабойнида қайнатилиб зарарсизлантирилади. Салмонеллёз, сил касаллигида олинган гўштлар ½ соат, пастереллёзда олинган гўшт тайёр бўлганича қайнтаилади, лекин 30 минутдан кам бўлмаслиги керак. Товуқ, ўрдак гўштларини зарарсизлантириш учун ёғда қовуриш усули ҳам қўлланади. Ҳарорат $100^{0}$ бўлиб 30 минутдан кам бўлмаслиги керак. Ғоз ва курка гўштлари духовка шкафи ичида $180^{0}$ ли ҳароратда 90 минут қовурилади. Ўрдак гўшти шу ҳароратда 60 миут пиширилади. Консерва тайёрлашда олинган гўштлар $114\text{-}120^{0}$ ҳароратда 50-100 минут, банка ҳажмига ва тайёрланаётган маҳсулотга қараб қайнатилади.

## Парранда гўштига товарлиги жиҳатидан таърифнома

Паррандаларни дастлабки қайта ишлайдиган саноат типидаги парранда корхоналарида олинаётган парранда тана гўштлари давлат талабига мувофиқ навларга ажратилади. Давлат стандартига мувофиқ берилади, бунда танага ишлов берилган усули ва семизлик даражаси ҳисобга олинади. Товуқ ва ўрдак гўштлари навларга ажратилади яъни бунда ёши ҳисобга олинади. Парранда гўштлари семизлик даражасига қараб икки категорияга бўлинади: биринчи ва иккинчи. Икки категориядаги тана гўштлари ҳам яхши қонсизланган, тери юзаси, тоза, яъни пат-парлар бўлмаслиги керак, тери юзасида Бирон тирналган, йиртилган жойи, доғлар ва қон қотиб қолган жойлари бўлиши мумкин эмас.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Ёш паррандалардан олинган биринчи категорияли тана гўштида, мускуллари яхши тараққий қилган тери тагини бир қисмида ёки бутунлай ёғ тўқималари қопланган бўлади. Кўкрак суяк тароғи билинмаслиги керак. Иккинчи категорияга кирадиган жўжа, товуқ, ҳуроз ва курка гўштлари ўртача тараққий қилган бўлиб, тери тагида у даражада кўп бўлмаган ёғларни қўл билан пайпастлаганда сезиш мумкин.

Агар ўртача даражада тараққий қилган мускулларда ёғ бўлмаса ҳам яхши ҳисобланади. Катта ёшдаги ҳамма паррандаларда тана мускуллари ўртачса даражада тараққий қилган бўлиб, қоринни пастки қисмида, тери тагида қисман ёғ тўпланган бўлади, бундай тана гўштлари иккинчи категорияга киради. Сувда сузувчи ўрдак ва ғозларни биринчи категорияга кирадиган тана гўштида, мускуллари яхши тараққий қилган кўкрак мускуллари юмалоқ, тери таги бир хилда ёғ билан қопланган бўлади.

Парранда тана гўштларини навларга ажратилганда ҳамма маҳсулдорлиги бўйича нав деб тан олинган бўлса, лекин тери юзаси ёмон тозаланган, ёмон қонсизланган бўлса бундай тана гўштлари иккинчи категорияга ўтказилади.

Давлат стандарти талабига мувофиқ иккинчи категория талабига жавоб бермайдиган тана гўштлари сотига чиқарилмайди, бундай тана гўштларини қайта ишлаб қолбаса тайёрланади ёки кулинария маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Икки марта қайта музлатилган, ранги ўзгарган парранда гўштларини семизлик категориясига қарамасдан фақатгина саноатда қайта ишланиш учун ишлатилади.

## Парранда гўштини ветеринария-санитария экспертизаси

Паррандаларни сўйиш ва қайта ишлаш сехида ветеринария хизматини мақсади, қилинаётган ишлар юзасидан кундалик назорат қилиш, яъни паррандаларни қайта ишланиш жараёнига эътибор бериш билан биргаликда ишчиларни гигиеналарига риоя қилишларини эътиборга олиш олинган



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

парранда гўштини экспертиза қилишдан иборат. паррандаларни қайта ишлашни технологик жараёни сўйиш сехларида шундай ташкиллаштирилганки яъни ветеринария врачлари ярим тозаланган ёки бутунлай тозаланмаган таналар билан ҳам тутади. Сўйилгандан кейин олинган тана гўштларини текширишда тана юзаси кесилмайди. Лекин шу нарсани тутиш керакки, яъни парранда тана гўштини қайта ишлаш пайтида, бир партияга кирадиган тана гўштлари ичида айримлари ташқи кўриниши жиҳатидан  Бирон бир касалликка гумон қилинса, бу тана гўштини ички органлари синчиқлаб текширилади.

Юқумли касалликлар бор хўжаликдан олиб келинган тана гўштларини ички органлари Бирма-бир текширилади. Ветеринария-санитария кўриш нуқталари, парранда танасини тозалаш столи олдида амалга оширилади. Ветеринария врачлари бу стол олдида туриб парранда гўштларини ҳар томонлама текширгандан кейин, санитария жиҳатидан истеъмол учун яроқли деб топилса, бундай гўштларни истеъмол қилиш мумкин.

## Қишлоқ хўжалик парранда гўштларини, паррандаларнинг ҳар хил касалликларида санитария жиҳатидан баҳолаш

Парранда гўштларини текшириш ва баҳолаш қишлоқ хўжалик министрлигидаги ветеринария бош бошқармаси томонидан тасдиқланган қоидага амалга оширилади.

### Парранда сили

Бу касаллик билан ҳамма турдаги паррандалар касалланади ва касаллик суринкали формада кечади. Сил касаллигига муносиб ўзгариш кўпинча жигарда, ичакларда, толоқда ва суякда, камроқ ҳолатларда ўпкада, буйракда, тухумдонда ва сероз қобиғида ўчрайди. Юқорида қайт қилинган жойларда сил тугунчаси катталиги 0,5 мм бўлиб, ранги сариқроқ-кулранг ва



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

оҳакланмаган бўлади. Паррандаларда сил касаллиги икки формада учрайди: лоқал генерализланган. Биринчи формаси ичакларда ёки жигарда сил тугунчаларини пайдо бўлиши билан характерланади. Бир вақтни ўзида бир қанча органлар бирданига шикастланган бўлса сил касаллигини генерализланган формаси бўлади.

**Санитария баҳолаш.** Текшириш пайтида сил тугунчалари бир неча ёки айрим органларда учраса ва текширилаётган тана гўшти ориқ бўлса, тана ва ички органлари бирданига техник утилизасия қилинади. Сил тугунлари билан айрим ички органлари шикастланган бўлса, парранда тана гўшти ўрта даражада семизликка эга бўлса, ички органлари техник утил қилинади, танасини эса қайнатгандан кейин ишлатиши мумкин.

Паррандалар сўйилишидан олдин туберкуленга мусбат реаксия кўрсатган бўлса, сўйилгандан кейин олинган тана гўштида ва ички органларида сил шикастланган жойлари бўлмаса, олинган тана пиширилгандан кейин ишлатишга чиқарилади ёки консерва тайёрлаш учун ишлатилади.

Сил касаллиги учрайдиган хўжаликлардан олиб келинган паррандалар олдиндан сил касаллигига текширилмаган бўлса, лекин сўйгандан кейин сил касаллигига хос ўзгаришлар аниқланмаса, бундай тана гўштлари қайнатилади ёки консерва тайёрлаш учун юборилади, ички органлари эса утил қилинади.

## Пастереллёз

Пестереллёз билан ҳамма турдаги паррандалар касалланади. Касалликни Яшин тезлиги формасида куринарли патологоанатомик ўзгаришлар бўлмайди ёки фақатгина тожи ва тороғи шикастланади. Касалликни ўткир формасида содир бўлган ўзгаришлар яққол кўриниб туради, бундай ўзгаришлар юракда, жигарда, толоқда, сероз қопламасида жуда кўп даражада ҳар хил шакл ва формаларда қон қуйилган жойлар



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

аниқланади. Жигарни, буйракни ҳажми катталашади ва бу органлар юзасида кичик кулранг некрозланган манбачалар бўлади. Юрак пардасида ва бошқа тана ички бушлиқларда экссудат зардоби тўпланиб қолади. Касалликни суринкали формасида тожи ва оёқ буғимлари шишади, бурун тешигини олдида эксудат қотиб қолади ва бўларда творогсимон масса бўлади. Жигар катталашади, ранги лойқасимон, консистенсияси юмшоқ (латтасимон) ва юзасида некрозли манбалар бўлади. Қуйилган диагноз бактериологик текшириш натижаси асосида тасдиқланади.

**Санитария баҳолаш.** Пастереллёз касаллиги аниқланганда паррандани ҳамма ички органлари техник утил қилинади, танаси ориқ бўлмаса, қайнатиш йўли билан зарарсизлантирилади, ёки қайта ишланиб консерва тайёрланади.

## Салмонеллёз (паратиф)

Салмонеллёз касаллиги билан кўпгина сувда сузувчи паррандалар касалланади. Касаллик ичакларни катарал яллиғланиши, йғон бўлим ичаклари шиллиқ пардасида қон қуйилиши ва кўр ичак ичида некрозли жароҳат манбаларини пайдо бўлиши билан ҳарактерланади. Жигар катталашади, ранги бир хилда эмас лойсимон, қизорган ва юмшоқ (латтасимон) ут пуфаги ўтга тўлиб чузилади, ўт суюқлиги таркибида шиллиқ ва кулранг-лойқа бўлиб шиллиқ пардаси қизоради. Толоқ катталашади ва гилоз рангига киради. Юрак халтачасида сероз эксудат зардоб суюқлиги тупланган бўлиб, уни таркибида фибрин аралашмаси бўлади. Юрак мускули юмшоқ (латтасимон) ранги оқ.

Ўпка, буйрак, безли ошқазон қизорган. Касалликни сурункали формасида, кўпинча катта ёшдаги ўрдакларда мускуллари атрофияга учрайди, катара лёки фибринли пневмония, ичак шиллиқ пардасида некрозли манба, тухумдон деформасияга учрайди ва тухум фолликулалари яллиғланади. Аниқ диагноз қўйиш учун бактериологик текшириш усулидан фойдаланилади.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

**Санитария баҳолаш.** Салмонеллёз касаллигига учраган паррандаларнинг ҳамма ички органлари йўқотилади, танаси эса пиширилади.

## Пуллороз

Пуллороз касаллиги билан паррандалар ва куркалар касалланади. Касаллик ёш паррандаларда ўткир формада, катталарда эса – сурункали формада кечади. Ёш паррандалар танасини текшириш пайтида бўйракда, ўпкада ва жигарда некрозли манбачалар аниқланади. Жигар катталашади, ранги лойсимон-сарғиш. Айрим пайтда бронза ранги бўлади. Катта ёшдаги паррандаларда патологоанатомик ўзгариш тухумдонда бўлади, шунинг учун ҳам тухумдон нотекс бўлиб, фолликула ичидаги нарсалари эзилиб қонли-қунғир бўлади. Шиллиқ парадаси юпқалашади ва қизаради. Паренхиматоз органларининг ҳажми катталашади.

**Санитария баҳолаш.** Шикастланган органлари йўқотилади, танаси эса қайнатилишга жўнатилади ёки бўлмаса консерва тайёрланади. Агар кўкрак ва қорин бўшлиқларида қон қуйилган жойлар аниқланса ёки перитонит унда танаси органлари билан биргаликда техник утилизасия қилинади.

Қуйилган диагнози тўғри эканлигини аниқлаш учун бактериологик текшириши ўтказилади.

## Тиф

Тиф касаллиги билан паррандалар, курка камдан-кам сувда сузадиган паррандалар касалланади. Касалликка хос энг характерли белгиларидан толоқни 34 баробар катталашади ва қорамтир рангга киради. Бундан ташқари жигар, юрак ва буйрак катталашади, ҳамда некрозли манбалар бўлиб, юрак мускули оқаради.

**Санитария баҳолаш.** Тана мускулларида ўзгариш бўлса, ички органлари билан биргаликда техник утилизасия қилинади. агар ўзгариш



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

мускул тўқимасида бўлмаса, тана гўшти қайнатиш йўли билан зарарсизлантирилади, ички органлари эса утил қилинади.

## Стафилококкоз

Стафилококкоз касаллиги қониқарсиз семизликка эга бўлган паррандаларга хос бўлиб, буғумларининг деформасияга учраши билан характерланади, (шишади, юмшайди). Касалликни бошланиш даврида буғум бўшлиқлари сероз-гемморагик эксудат зардобига тўлади, кейинчалик йирингли бутқага айланади. Қуйилган диагнозни аниқлаш учун бактериологик текшириши ўтказилади.

**Санитария баҳолаш.** Текширилаётган тана жуда ориқ, ҳамда кўпчилик бўғимлари шикастланган бўлса, тана ички органлар билан биргаликда техник утилизасия қилинади. агар биргина буғим шикастланган бўлса, семизлиги нормал бўлса, фақатгина шикастланган жойлари утил қилиниб, танаси қайнатилади.

## Ўлат, псевдочума  (азиат ўлати)

Бу касаллик билан қуруқликда яшовчи паррандалар касалланади. Ички органларида бу касалликда хос қуйидаги белгилар бўлади, нуқтасимон қон қуйилган жойлар эпикарда, безли ошқазонни мускулли ошқазонга ўтиш жойидаги шиллиқ пардасида; дифтеритик қоплама, тўғри, кўр ва ингичка ичакларнинг шиллиқ пардасида бўлади.

Тери тороғи, тожи, ҳамда айрим пайтларда бош областини бутун тери юзаси қорамтир-бинафша рангга киради.

**Санитария баҳолаш.** Олинган танаси бутун органлари билан биргаликда техник утилизасимя қилинади ёки йўқтилади. Мана шу касалликка гумон қилинган паррандалар сўйилганда текширилаётган танада ва ички органларида патологоанатомик ўзгаришлар бўлмаса, тана ва ички органлари қайнатилади. Касал, касаллакка гумон қилинган ва касаллик



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

тарқатиш ҳавфи бўлган паррандалардан олинган пар-парлар ёқиш йўли билан йўқотилади.

## Юқумли ларинготрахеит

Касалик икки формада кечади: ларинготрахия ва конъюктив.

Касалликни биринчи формасида ҳиқилдоқни ва кекирдакни шиллиқ пардаси қизаради, шишади, айрим пайтларда қон қуйилади. Кекирдак ичида шиллиқ эксудат суюқлиги қонли бўлади, оғиз бўшлиғини шиллиқ пардаси творогсимон фибринли ҳар хил катталикдаги ва шакиллардаги оқ доғлар билан қопланган бўлади. Бу оқ қопланган доғлар енгиллик билан олинади. Касалликни иккинчи формасида қўзни шиллиқ пардаси шикастланади яъни конъюктивит аниқланади, бунда қовоқлар шишади, ҳамда учунуи қовоқ тагида фибринли масса тўпланади ва кўзни шохланган пардаси хиралашади.

**Санитария баҳолаш.** Шикастланган органлари, қисман танаси, боши, буйни ва кекирдак техник утилизасия қилишга юборилади. Қолган тана гўшти қайнатилгандан кейин чиқарилади.

## Чечак

Юқумли вирус касаллиги бўлиб, бу касаллик билан паррандалар, курка ва товуқсимон паррандалар касалланади. Сувда сузувчи паррандалар камдан-кам касалланади.

Касаллик тери дефтиритик ва аралаш формаларга учрайди. Касалликка хос белгилардан шикастланиш асосан бош областида, яъни бош терисида, тороғида, тожида бўлади. Касалликни қанча вақтда организмда кечишига қараб, шу даражада патологоанатомик жараён содир бўлади. Аввалон бор қизарган, юмалоқ доғлар, кейинчалик эпителиома буни қўл билан пайпаслаганда қаттиқ, ранги қорамтир, касалликни охирги кейинги даврларида доғлар ҳосил бўлган жойларни устки юзасида язва яралари ва яра устки рубеслари қолади. Оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасида, ҳиқилдоқ ва



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

кекирдакда дифтеритик яллиғланган жойлар бўлиб, устки юзаси зич қоплами ва парда билан қопланган бўлади, толоқ ва жигар катталашади.

**Санитария баҳолаш.** Агар касалликни генерализланган жараёни аниқланса танаси ички органлари билан биргаликда утил қилинади. фақатгина бош области шикастланган бўлса, боши утил қилинади танаси ва ички органлари билан биргаликда қайнатилгандан кейин ишлатилади.

## Орнитроз (пситтакоз)

Агар паррандалар касалликни уткир формасида сўйилган бўлса, бурун бушлиғида шиллиқ-йирингли суюқлик, кўкрак мускуллари ориқ, юрак халтачаси ёнида эксудат суюқлиги бўлиб, уни таркибида йиринг бўлади. Кўкрак деворини сероз пардаси ва жигар юзаси фибрин билан қопланган бўлади. Жигар катталашади, ранги сарғич тусга киради.

Толоқ ҳам катталашади, юзасида некрозли манбалар бўлади. Буйрак шишади, ранги кулранг тусга киради. Ичакларни сероз пардаси қонга тулишган бўлади. Касалликни суринкали формасида толоқ катталашади, жигарда некрозли манбалар бўлади ва ҳаво халтачасини девори қалинлашади.

**Санитария баҳолаш.** Агар бордию орнитоз касаллигига гумон қилинса парранда танаси ички органлари билан биргаликда синчиклаб текшириш учун ветеринария лабораториясига юборилади.

Юборилганда ҳамма ихтиёткорликка қатъиян амал қилиниши керак. Касал паррандалардан олинган танаси қайнатилади, ички органлари эса утил қилинади.

## Лейкоз

Бу касаллик паррандаларда кўпгина висерал формасида учрайди. Синчиклаб текширишда камқонлик ва сарғайганлиги аниқланади.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Жигар ва бошқа ички органлари катталашади. Жигар толоқни, ранги сарғиш ва консистенсияси юмшоқ бўлади. Буйракда кулранг тугунчалар бўлиб, бу тугунчалар ҳар хил катталикда ва зичликда бўлади. Ичак атрофи ёғида, худди қорамол сил касаллигидагидек «мармарид» бўлади.

**Санитария баҳолаш.** Терида анемия, сариқлик ёки тана мускулида патологоанатомик ўзгариши бўлмаса, шикастланган органлари утил қилинади, танаси ва эса қайнатилгандан кейин чиқарилади. Касаллик натижасида тана мускулларида ўзгариш содир бўлган бўлса, танаси ички органлари билан биргаликда утил қиланиди.

## Листериоз

Листериозда кўпинча юрак мускул ива жигар шикастланади. Уларда жуда кўп некрозли манбалар учрайди. Парранда танаси қоидага мувофиқ бу касалликда паст даражада семи зёки ориқ бўлади. Бу касалликни бошқа касалликлардан фарқлаш учун бактериологик текшириши ўтказилади.

## Сарамас септисемияси

Бу касалликда жуда кўп қон мускулларга плеврага. Қорин деворига, перикардага, миокардага ва ичакларни шиллиқ пардасига қўйилади.

Паренхиматоз органлари катталашади ва кўп қон бўлиб, юзасида некрозли манбалар бўлади. Диагнозни аниқ қилиб олиш учун бактериологик текшириши ўтказилади.

**Санитария баҳолаш.** Агар мускулларида ўзгариш бўлмаса. Танаси қайнатиб зарарсизлантирилиб ишлатилишга чиқарилади, ички органлари эса техник утил қилинади. Мускулларида патологоанатомик ўзгариш бўлса танаси ички органлари билан биргаликда утил қилинади.

## Стрептококкоз



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Касаллкка хос белгилардан тери ости тўқимасида ва мускулларда шишлар пайдо бўлади. Паренхиматоз органлари катталашади. Жигарда некрозли манбалар, кўкрак-қорин бўшлиғида ва юрак олди халтачасида серозли гемморогик ёки сероз-фибринли эксудат зардоби тўпланади.

Агар касалликка гумон қилинса бактериологик текшириши ўтказилади.

**Санитария баҳолаш.** Олинган танасини ва ички органлари техник утилизасия қилинади.

## Ентерогепатит

Паррандалар танаси паст семизликка эга бўлганда кўпроқ касалликка хос ўзгариш жишарда ва кўричакда бўлади. Жигар ҳажми катталашади, юзасида ва паренхимасида ҳар хил катталик ва шаклдаги жуда кўп миқдорда оқиш-сариқ рангга эга бўлган некрозли манбалар бўлади.

Бу манбалар атрофии қизил белбоғ билан ўралиб туради. Кўр ичак катталашади, зичлашади ва юзаси нотекис бўлиб қолади. Перитонит ҳам бўлиши мумкин.

**Санитария баҳолаш.** Шикастланган органлари жигар, ошқозон утил қилинади, танаси эса тухтовсиз чекланмасдан ишлатилишга чиқарилади.

## Ботулизим

Касалликда асосий ўзгариш ичак-ошқазон системасида содир бўлади. Яъни ичак катара лёки геморогик яллиғланади, безли ошқозонни шиллиқ пардаси қизоради, шишади ва қон қуйилади. Ошқозонни ҳал бўлмаган озиқа билан тўлиб туради. Жигар, толоқ, буйрак қонга тўлади.

**Санитария баҳолаш.** Олинган танаси ва ички органлари биргаликда техник утилизасия қилишга юборилади.

## Саркоматоз



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Жигарда, толоқда, ўпкада, айрим пайтда тери ва мускулларда салосимон шишлар аниқланади. Тухумдонда, ичак атрофии ёғида шиш ўсимталарини консистенсияси юмшоқ бўлади.

**Санитария баҳолаш.** Агар шикастланган жароҳат Бирон-бир ички органида бўлса, бу орган олиб ташланади, танаси эса чиқарилишдан олдин қайнатилиб пиширилади.

Касалликни генерализланган жараёни ёки териси ва мускуллар шикастланган, танаси ориқ, сариқ бўлса, қайси даражада шикастланганлигига қарамасдан танаси ички органлари билан биргаликда техник утилизасия қилишга юборилади. Саркаматозга гумон қилинган пайтларда гистологик текшириши ўтказиши йўли билан диагноз аниқ қилинади.

## Аспергиллёз

Касалликда асосан ўпка ва ҳаво халтаси шикастланади. Бундан ташқари айрим пайтларда ошқозонни мускулли қисмида, юрак мускулида ва жигарда дегенератив ўзгариш бўлади. Айрим пайтда аспергиллюс замбуруғи скелет мускулида ўсиб чиқади.

**Санитария баҳолаш.** Ўпка шикастланганда, ҳамда замубурғ скелет мускулида ўсиб чиққанда бутунлай танаси ва ичики органлари техник утилизасия қилинади. фақатгина ўпка шикастланган бўлса, ички органлари утил қилинади, танаси эса чекловсиз ишлатилишга чиқарилади.

## Спирохетоз

Товуқ, ғоз кам ҳолатларда ўрдак ва курка касалланади. Касалликка хос асосий белгилардан мускулларини анемия ҳолатида бўлиши, жигарни талоқни катталашиши ва буйракни қорамтир-сариқ рангга Кириши.

**Санитария баҳолаш.** Паррандалар танаси ориқ бўлса ва ички органларида патологоанатомик ўзгариш аниқланганда тозаланмаган таналар



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

утил қилишга юборилади. Агар мускулларида ўзгариш топилмаса, фақатгина ички органлари утил қилинади, танаси эса чекловсиз чиқарилади.

## Коксидиоз

Касалликни клиник белгилари фақатгина ёш жўжаларда бўлади. Тана паст даражада семизликка эга, шиллиқ пардаларини қони қочган.

Ўзгариш кўричакда бўлиб, уни девори қалинлашади, ичидаги нарсаларини таркибида қон бўлади. Ғозларда бўйраги 2-3 баробар катталашади.

**Санитария баҳолаш.** Шикастланган органлари утил қилинади, танаси орик бўлмаса чекловсиз ишлатилади.

## Микоплазмоз

Нафас олиш органларини шиллиқ пардаси катарал яллиғланади, ҳаво халтаси қизарган бўлиб, ичида шиллиқ суюқлиги тўпланади, ҳиқилдоқ ва кекирдакда фибринли парда, казеоз уютмалари бўлади.

**Санитария баҳолаш.** Агар ҳаво халтачаси шикастланган бўлса танаси бутунлай утил қилинади. ҳаво халтачаси шикастланган бўлса, боши ва ички органлари утил қилиниб, танаси эса қайнатилгандан кейин ишлатилади.

## Қутир

Бош областида тороғи, тожи, қулоқ сирғалари ва айрим қисм терилар шикастланиб уларни юзасида оқимтир-кулранг доғлар ёки ўлган тўқималар қотиб тармашиб туради.

**Санитария баҳолаш.** Бош областида қутир аниқланса, боши, буйни билан биргаликда техник утил қилинади, танаси чекловсиз ишлатилишга чиқарилади.

## Қичима (чесотка)



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Товуқ ва курка касалланиб, патологоанатомик ўзгариш оёқларида жойлашган бўлади. Парранда оёқлари худди оҳакқа ўралгандек бўлиб туради, шунинг учун ҳам «оҳақли оёқ» деб юритилади.

**Санитария баҳолаш.** Шикастланган оёқлари техник утил қилинади, танаси эса чекловсиз ишлатилишга чиқарилади.

## Умумий патологик ўзгаришлар

Ҳамма вақтда ҳам, агар ориқ танали парранда гўштлари аниқланганда, яъни тери ости тўқималари шишган, мускуллари атрофияга учраган бўлса, танаси ички органлари билан биргаликда утил қилинади.

Парранда етиштирадиган хўжаликларда ўткир формада кечадиган юқумли касалликлар содир бўлганда паррандаларнинг гўштини утил қилиниши керак.

## Ишлатиш тартиби

Агар хўжаликда чечак касаллиги аниқланса, ҳамма касал, гумон қилинган ва дармонсиз паррандалар шу хўжаликни ўзида сўйилиши керак. Бундай паррандаларни хўжаликдан ташқарига чиқариш манъ этилади.

Шартли соғ паррандаларда касалликни клиник белгилари бўлмаса, бунда мавжуд дастурларга асосланган ҳолда яқин жойлашган гўшти парранда корхоналарига олиб бориб қайта ишланади. Хўжаликларда паррандаларни сўйгандан кейин олинган тана гўштлари, ишлатиш учун ароқли деб тан олинганлари, ҳамда сотилишга чиқариладиганлари, фақатгина маълум ҳароратда ишлов берилгандан кейин хўжаликдан чиқарилади ва сотилади. Жуда кўп миқдорда парранда сўйиладиган бўлса, қишлоқ хўжалик бошқармаси рухсатига асосан хўжаликдан умумий овқатланиш ошхоналарига чиқариш мумкин, (фақатгина шу ноҳия ёки вилоят миқёсида).



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Ўлат касаллигида, касал, камдармон ва касалликка гумон қилинган паррандалар йўқтилади. Клиник соғ паррандалар шу жойни ўзида сўйилади,танаси эса қайнатилиб шу хўжаликни ичида ишлатилади. Кўп миқдорда паррандалар сўйилиб улардан кўп миқдорда гўшт ишлаб чиқарилганда, гўштни вилоят миқёсидаги озиқ-овқат тайёрлаш корхоналарига чиқариш учун қишлоқ хўжалик министрлигидаги ветеринария бошқармаси рухсати билан чиқарилади, бунда барча ветеринария назоратларига амал қилинган ҳолда бу гўштлардан пиширилган колбаса ва консерва маҳсулотлари тайёрланади. Паррандаларни сўйиш махсус ажратилган жойларда амалга оширилади, бунда касалликни тарқалишига йўқ қўймаслик керак. Содир бўлган ўлат касаллигидан тезроқ қутилиш мақсадида, бошлиқларни топшириғига ва хўжалик бош варчи талабига асосан яқинда жойлашган хўжаликлардаги паррандалар ҳам гўштга топширилиши лозим.

Хўжаликдаги ҳамма бош паррандалар пуллороз касаллиги билан касалланганда, паррандалар шу хўжалик ичида сўйилади ёки гўштни қайта ишлаш корхоналарида сўйилганда юқумли касалликни тарқатувчи қўзғатувчисини тарқалишига йўл қуймаслик керак. Сўйилгандан кейин олинган гўштларни баҳолаш мавжуд қоидаларга асосланган ҳолда бажарилади. Микоплазмоз касаллигида хўжаликдан ташқарига чиқариш фақатгина шартли соғ паррандаларни чиқаришга рухсат берилади.

Паррандаларда аниқ микоплазмоз клиник белгилари бўлса, шу жойни ўзида сўйилиб, гўшти хўдалик ичида ишлатилади. Орнитоз касалига учраган паррандалар шу жойни ўзида сўйилади. Олинган гўштлар истеъмол учун ярокли деб ҳисобланса, фақатгина маълум ҳароратда ишлов берилганда кейин ишлатилади. Вирус гепатитига учраган ваш у касалликка гумон қилинган, камдармон ва ориқ ўрдаклар йўқотилади.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

## Шартли яроқли парранда гўштларини зарарсизлантириш

Паррандалардан олинган гўшт ва бошқа маҳсулотлари ветеринария-санитария қоидаларига асосланган ҳолда зарарсизлантирилади, лекин маълум даражада олдиндан ишлов берилмасдан ишлатиш мумкин эмас.

Гўшт ишлаб чиқариш корхоналарида махсус асбоб-ускуналарни, анжомларни зарарсизлантириш учун ёпиқ ёки очиқ автоклавлар ёки очиқ қозонлар, ишлатилади, очиқ идишлар гўштни солиб қайнатиш учун ўрнатилади. Бундан ташқари алоҳида пиширилган маҳсулотни сақлайдиган совутгичлар ва жиҳозланган бинолар бўлишлиги керак. Олинган гўштлар $100^o$ ли ҳароратда бир соат мабойнида қайнатилиб зарарсизлантирилади. Салмонеллёз, сил касаллигида олинган гўштлар ½ соат, пастереллёзда олинган гўшт тайёр бўлганича қайнтаилади, лекин 30 минутдан кам бўлмаслиги керак. Товуқ, ўрдак гўштларини зарарсизлантириш учун ёғда қовуриш усули ҳам қўлланади. Ҳарорат $100^0$ бўлиб 30 минутдан кам бўлмаслиги керак. Ғоз ва курка гўштлари духовка шкафи ичида $180^0$ ли ҳароратда 90 минут қовурилади. Ўрдак гўшти шу ҳароратда 60 миут пиширилади. Консерва тайёрлашда олинган гўштлар $114\text{-}120^0$ ҳароратда 50-100 минут, банка ҳажмига ва тайёрланаётган маҳсулотга қараб қайнатилади.

## Парранда гўштини янгилигини текшириш

Яхши сифатли парранда гўштини янгилигини аниқлаш учун танаси ва органлари ветеринария текшириши қоидасига мувофиқ, яъни давлат стандарти (ГОСТ 7702.0 – 74 ва 7702.1 - 74) талаблари асосида синчиклаб текширилади.

Совутгичга ёки сотиш базаларига олиб келинаётган ҳар қайси партия парранда гўштлари, янгиликка органолептик ва лаборатория усуллари ёрдамида текшириб кўрилади. Парранда гўштини сифатини аниқлаш учун



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

10% яшиклар танланиб текширилади, (ҳар қайси категориядан). Олинган парранда гўштини ўртача намунасини текширишда қўйидагиларга эътибор берилади:

а) бошига (тумшуғини шилимшиқлиги, оғиз бўрчагидаги чириган хидни чиқишига)

б) терисига (юмшашига, замбуруғ колонияларини бор йўқлигига, шилимшиқланишига ҳамда ёпишқоқлигига)

в) оёқларига (қанотлари тагидаги замбуруғга ва мускулларни кўкаришига)

г) ички бушлиқларига (сероз пардасини ҳолатига қорин деворларини мускулли қисмига ва ички органларнинг рангига ва ёғининг ҳидига).

Ўпкани ҳолатини билиш учун, яъни ўпка йўлларидаги чириши бор йўқлигини аниқлашда бўйинни пастки қисми кекирдак кундалангига кесилади. Ёғни ачиганлик даражасини билиш учун жиғилдон ва елка усти кесиб кўрилади. Танани ички бўшлиғида жойлашган органларни билиш учун икки ёнбош биқини кесилиб, кейин эса кўкрак суяги ва қорин девори кўтарилади ва бўйин томонга ётқизилади. Гумон қилинган парранда гўштлари қўйидаги органолептик кўрсаткичига эга бўлади. Тумшуғидан сассиқ ҳид чиқади, оғиз бўшлиғини шиллиқ пардаси тиниқ эмас, замбуруғланган, қисман сасиган, кўз гавҳари чўккан, тери ранги кулранг-сариқ ва юза қисми ҳидланганда қисман сасиган ҳид чиқади. Агар органолептик текшириш натижасида гўшт бузулганлигига гумон қилинса текшириш учун олинган тана гўштини бир қисми химиявий бактериологик текшириши учун ишлатилади. Бу мақсад учун текширилаётган ҳар қайси партия гўштдан 1% олинади.

Лекин олинган намуна иккита тана гўштидан кам бўлмаслиги керак.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Текширилаётган намуна бутун текширилаётган партия гўштини мазмунини характерлайдиган бўлиши керак. Ёғини сифатини, янгилигини органолептик усулда аниқлашда рангига, ҳидига, таъмига, консистенсиясига эътибор берилади ва кислоталик ҳамда перекислик числосини аниқлашда умумий қўлланиладиган усуллардан фойдаланилади. Гумон қилинган тана ички қисмини ҳиди ўзига хос бўлмайди ва бошқа ҳидлар чиқиши мумкин.

Шўрвани сифатини текшириш учун танани юза ва чуқур қатламидан гўшт кесиб олиниб 1 : 3 нисбатда сув солиниб қайнатилади. Шўрвани ҳидини билиш учун биринчи чиқаётган буғ ҳидлаб кўрилади. Шўрвани тиниқлигини аниқлаш учун 20 г эзилган гўшт колбага солиниб, устига 60 мл дистирланган сув қўшилади ва колба оғзи соат шишаси билан ёпилади, кейин эса қайнаб турган сув ҳаммомида 10 минут қиздирилади, ҳосил бўлган иссиқ шўрва бир қатлам пахтадан ўтказилиб филтрланади. Филтрланган тоза шўрвадан 20 мл силиндрга олиниб шўрвани тиниқлиги оддий кўриш йўли билан аниқланади. Парранда гўштини янгилигини лаборатория усулида аниқлашда бактериоскопия, Несслер реактиви билан аммиак аниқланади ва пероксидаза реаксияси бензидин билан ўтказилади. Бактериоскопия текшириши ўтказиш учун асептик шароитда тана гўштидан кичик гўшт бўлакчаси кесиб олиниб, кесилган томони билан предмет шишачасига тегизилади. Ҳар қайси тана гўштидан иккитадан препарат тайёрланади. Гўштдан тайёрланган суртмада гўштни янгилигига баҳо бери учун, қуйидаги микроскоп билан текширган натижа ҳисобга олинади: шунга эътиборан янги гўштдан тайёрланган суртма микроскоп тагида кўрилганда микрофлоралар кўринмайди ёки бўлмаса айрим якка-якка кокклар ёки таёқчасимон микроблар бўлиши мумкин. гумон қилинган гўштдан тайёрланган суртма микроскоп тагида кўрилганда 20-30 ҳар хилдаги кокклар ёки таёқчасимон микроблар аниқланади. Аммиак ва пероксидаза реаксияларини қуйиш учун, гўшт экстракти тайёрланади, бунинг учун текширилаётган гўштдан кесиб олиниб, ёғдан, суякдан ва бириктирувчи тўқималардан тозаланиб майдаланади.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Ҳосил бўлган эзилган гўштдпн (фаршдан) 5 грамм олиниб, колба ичидаги 20 мл қайнатилган дистирланган сув устига солинади ва 15 минут тиндирилади бу орада бир неча марта колба қўзғатилади.

Аммиак ва пероксидазани реаксияси асосида гўштни янгилигига баҳо бериш қўйидагича бўлади.

1- жадвал

| Парранда гўштини ҳолати | Несслер реактиви билан аммиака реаксия | Бензидин билан пероксидаза реаксияси |
|---|---|---|
| Янги гўшт | Тайёрланган гўшт экстракти устига 10 томчи Несслер реактиви томизилганда лойқаланади ва сарғаймайди. | 1-2 минут ичида эритма ранги кўкаради, кейинчалик қорамтир-малла рангга ўтади |
| Гумон қилинган гўшт | Екстрактга 6 ти ва кўпроқ Несслер реактиви томизила бошлагандан экстракт лойқаланади ва сарғаяди. Лойқа экстракт 20 минут чамасида тиндирилганда экстракт тубига чўкма тушади. | Еритма ранги ўзгармайди ёки 3 минутдан кейин бўялади. |

Бензидин билан пероксидаза реаксияси сувда сузувчи паррандалардан олинган янги ва совутилган гўштларда ўтказилмайди. Паррандалардан олинган ёғларни лаборатория усули билан текширганда тери ости ва ички ёғлари текширилади. Тери тагидан олинган ёғлардан ўртача намуна тайёрлашда елка, бўйин ва қанот тагидан олинган ёғлар ҳисобга олинади.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Ички ёғлар асосан ичак атрофии ёғларидан йиғиштирилади. Олинган ёғ гўштдан ва бириктирувчи тўқималардан тозаланиб майдаланади, кейин сув ҳаммомида эритилади ва докадан ўтказилиб филтрланади. Бактериология текшириши юқумли касалликларга гумон қилинганда, ошқозон-ичак касаллигида, танаси ёмон қонсизланган бўлса текширишда ички органлари бўлмаса, бензидин билан пероксидаза реаксиясига мусбат кўрсатганда ва бирор нарса билан зарарланганда ўтказилади.

## Парранда гўштини янгилигини текшириш

Яхши сифатли парранда гўштини янгилигини аниқлаш учун танаси ва органлари ветеринария текшириши қоидасига мувофиқ, яъни давлат стандарти (ГОСТ 7702.0 – 74 ва 7702.1 - 74) талаблари асосида синчиклаб текширилади.

Совутгичга ёки сотиш базаларига олиб келинаётган ҳар қайси партия парранда гўштлари, янгиликка органолептик ва лаборатория усуллари ёрдамида текшириб кўрилади. Парранда гўштини сифатини аниқлаш учун 10% яшиклар танланиб текширилади, (ҳар қайси категориядан). Олинган парранда гўштини ўртача намунасини текширишда қуйидагиларга эътибор берилади:

а) бошига (тумшуғини шилимшиқлиги, оғиз бўрчагидаги чириган хидни чиқишига)

б) терисига (юмшашига, замбуруғ колонияларини бор йўқлигига, шилимшиқланишига ҳамда ёпишқоқлигига)

в) оёқларига (қанотлари тагидаги замбуруғга ва мускулларни кўкаришига)



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

г) ички бушлиқларига (сероз пардасини ҳолатига қорин деворларини мускулли қисмига ва ички органларнинг рангига ва ёғининг ҳидига).

Ўпкани ҳолатини билиш учун, яъни ўпка йўлларидаги чириши бор йўқлигини аниқлашда бўйинни пастки қисми кекирдак кундалангига кесилади. Ёғни ачиганлик даражасини билиш учун жиғилдон ва елка усти кесиб кўрилади. Танани ички бўшлиғида жойлашган органларни билиш учун икки ёнбош биқини кесилиб, кейин эса кўкрак суяги ва қорин девори кўтарилади ва бўйин томонга ётқизилади. Гумон қилинган парранда гўштлари қўйидаги органолептик кўрсаткичига эга бўлади. Тумшуғидан сассиқ ҳид чиқади, оғиз бўшлиғини шиллиқ пардаси тиниқ эмас, замбуруғланган, қисман сасиган, кўз гавҳари чўккан, тери ранги кулранг-сариқ ва юза қисми ҳидланганда қисман сасиган ҳид чиқади. Агар органолептик текшириш натижасида гўшт бузулганлигига гумон қилинса текшириш учун олинган тана гўштини бир қисми химиявий бактериологик текшириши учун ишлатилади. Бу мақсад учун текширилаётган ҳар қайси партия гўштдан 1% олинади.

Лекин олинган намуна иккита тана гўштидан кам бўлмаслиги керак.

Текширилаётган намуна бутун текширилаётган партия гўштини мазмунини характерлайдиган бўлиши керак. Ёғини сифатини, янгилигини органолептик усулда аниқлашда рангига, ҳидига, таъмига, консистенсиясига эътибор берилади ва кислоталик ҳамда перекислик числосини аниқлашда умумий қўлланиладиган усуллардан фойдаланилади. Гумон қилинган тана ички қисмини ҳиди ўзига хос бўлмайди ва бошқа ҳидлар чиқиши мумкин.

Шўрвани сифатини текшириш учун танани юза ва чуқур қатламидан гўшт кесиб олиниб 1 : 3 нисбатда сув солиниб қайнатилади. Шўрвани ҳидини билиш учун биринчи чиқаётган буғ ҳидлаб кўрилади. Шўрвани тиниқлигини аниқлаш учун 20 г эзилган гўшт колбага солиниб, устига 60 мл дистирланган сув қўшилади ва колба оғзи соат шишаси билан ёпилади, кейин эса қайнаб



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

турган сув ҳаммомида 10 минут қиздирилади, ҳосил бўлган иссиқ шўрва бир қатлам пахтадан ўтказилиб филтрланади. Филтрланган тоза шўрвадан 20 мл силиндрга олиниб шўрвани тиниқлиги оддий кўриш йўли билан аниқланади. Парранда гўштини янгилигини лаборатория усулида аниқлашда бактериоскопия, Несслер реактиви билан аммиак аниқланади ва пероксидаза реаксияси бензидин билан ўтказилади. Бактериоскопия текшириши ўтказиш учун асептик шароитда тана гўштидан кичик гўшт бўлакчаси кесиб олиниб, кесилган томони билан предмет шишачасига тегизилади. Ҳар қайси тана гўштидан иккитадан препарат тайёрланади. Гўштдан тайёрланган суртмада гўштни янгилигига баҳо бери учун, қўйидаги микроскоп билан текширган натижа ҳисобга олинади: шунга эътиборан янги гўштдан тайёрланган суртма микроскоп тагида кўрилганда микрофлоралар кўринмайди ёки бўлмаса айрим якка-якка кокклар ёки таёқчасимон микроблар бўлиши мумкин. гумон қилинган гўштдан тайёрланган суртма микроскоп тагида кўрилганда 20-30 ҳар хилдаги кокклар ёки таёқчасимон микроблар аниқланади. Аммиак ва пероксидаза реаксияларини қўйиш учун, гўшт экстракти тайёрланади, бунинг учун текширилаётган гўштдан кесиб олиниб, ёғдан, суякдан ва бириктирувчи тўқималардан тозаланиб майдаланади.

Ҳосил бўлган эзилган гўштдпн (фаршдан) 5 грамм олиниб, колба ичидаги 20 мл қайнатилган дистирланган сув устига солинади ва 15 минут тиндирилади бу орада бир неча марта колба қўзғатилади.

Аммиак ва пероксидазани реаксияси асосида гўштни янгилигига баҳо бериш қўйидагича бўлади.

1- жадвал

| Парранда гўштини ҳолати | Несслер реактиви билан аммиака реаксия | Бензидин билан пероксидаза реаксияси |
|---|---|---|



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

| | | |
|---|---|---|
| Янги гўшт | Тайёрланган гўшт экстракти устига 10 томчи Несслер реактиви томизилганда лойқаланади ва сарғаймайди. | 1-2 минут ичида эритма ранги кўкаради, кейинчалик қорамтир-малла рангга ўтади |
| Гумон қилинган гўшт | Екстрактга 6 ти ва кўпроқ Несслер реактиви томизила бошлагандан экстракт лойқаланади ва сарғаяди. Лойқа экстракт 20 минут чамасида тиндирилганда экстракт тубига чўкма тушади. | Еритма ранги ўзгармайди ёки 3 минутдан кейин бўялади. |

Бензидин билан пероксидаза реаксияси сувда сузувчи паррандалардан олинган янги ва совутилган гўштларда ўтказилмайди. Паррандалардан олинган ёғларни лаборатория усули билан текширганда тери ости ва ички ёғлари текширилади. Тери тагидан олинган ёғлардан ўртача намуна тайёрлашда елка, бўйин ва қанот тагидан олинган ёғлар ҳисобга олинади.

Ички ёғлар асосан ичак атрофии ёғларидан йиғиштирилади. Олинган ёғ гўштдан ва бириктирувчи тўқималардан тозаланиб майдаланади, кейин сув ҳаммомида эритилади ва докадан ўтказилиб филтрланади. Бактериология текшириши юқумли касалликларга гумон қилинганда, ошқозон-ичак касаллигида, танаси ёмон қонсизланган бўлса текширишда ички органлари бўлмаса, бензидин билан пероксидаза реаксиясига мусбат кўрсатганда ва бирор нарса билан зарарланганда ўтказилади. Л.Тиркашев ва башқалар зоовет 2013 йил 7 сон 34 бет мамлакатимиз ахолисини чорвачилик паррандачилик махсулотларга бўлган талабини қондириш бугунги кунни асосий талабларидан бири. Тухум йўналишидаги товуқларнинг озиқа ратсионига “калифорния чувалчанглари” яни қизил чувалчанглардан



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

қанчалик кўп қўшиб берилса чувалчанглар таркибидаги оқсил ва ёғ менирал моддалар товуқларнинг тухум махсулдорлигини оширишга махсулот сифатини яхшилашга хамда нимжон товуқларнинг саломатлигини тиклашга олиб келади.

А.Ризаев Б.Мирсаидов ва бошқалар зоовет 2011 йил 8 сон 36 бет. Маълумотларига кўра паррандачилик хўжаликларида тухум олишни кўпайтириш учун уларнинг озуқасини таркибига ёғ ва ўсимлик мойлари қўшилса тухумни қўйиш кўпайиши кузатилган. А.С.Сергеев ва бошқалар Рукавотиства по технологий периработкий раститилних самел и жиров лилингирад 1982 йил 90-бет. Ва бошқаларнинг маълумотига кўра паррандачилик хўжаликларида тухумни кўпайтириш учун икки гурух паррандалар олинган шулардан биринчи гурухи фақатгина 100% кормикорма билан боқилган иккинчи гуруҳ эса 97 % комбикорма 3 % ёғли моддалар қўшилганда тухум бериш 14 % га ошган. О.Жавхаров Л.Я.Тиркашов зоовет 2015 йил 8 сон 4-44 бетлар. Инсонларни оқсил моддага бўлган эхтиёжларни қондиришнинг 70 % чорвачилик махсулотлари улушига тўғри келади инсон 1 йилда 82-84 кг гўшт махсулотлари 300-315 кг сут махсулотлари 220 дона тухум 19 кг атрофида балиқ истемол қилиши лозим. Ахолини кундалик хаётида дейитик озиқ-овқат махсулотларидан хисобланган тухум ишлаб чиқаришни кўпайтириш сифатини яхшилаш тўйимлилигини ошириш ва махсулот таннархини арзонлаштириш паррандачилик билан шуғилланаётган фермир хўжаликларининг асосий мақсадларидан бири хисоблади. С.С. Исломхўжаев ва бошқалар паррандачиликдан амалий машғулоталар ўзбекистон нашриёти 1996 йил 47 бет. Тухум юналишидаги товуқларнинг озиқа ратсионига қизил чувалчанглар таркибидаги оқсил ёғ ва минирал моддалар кам тухум товуқларни махсулдорлигини оширишга яъни уларни сертухум қилишга шгунингдек нимжон товуқларни саломатлигини тиклашга ва олинатотган тухумлар вазнини оширишага олиб келади. Ҳ.П.Нурмаматов Ж.И.Тоиров зоовет 2014 йли 7 сон 39-40 бет. Маълумки паррандалар



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

ичимлик сувини озиқага нисбатан 2 баробар кўп истимол қилади ва бу холат ўз навбатида парранда организми учун катта аҳамият касб этади. Товуқларни ион алмашинувчи фелтирдан ўтказилган ва химикис препарати аралаштирилган сув билан суғориш тухум олишни 1,3-2,6 % га ортишига олиб келади. Бунда махсулот олиш учун озиқа сарфи 1-1,2% га камаяди. В.Ермолива “ Практикум по микробиологий “ москива 1990 йил. Тухумнинг ички моддалари микроорганизимлар учун яхши озиқ мухтида оқсилнинг таркибидаги микроорганизимларга қарши турадиган уларни халокатга олиб келадиган оқсилли модда лизотсим бор. Лизотсим модданинг миқдори тухум оқсилида қанча кўп бўлса тухум шунча микробли бузулишни узоқ сақланади. Тухумларнинг микроблар билан захарланиши эдоген ва экзогин йўллар орқали бўлади. Микрооганизмларнинг тухум ичига ўтиши бир неча факторларга боғлиқ. Э.С.Загаевиский Саллманиллози животнех кейив 1987 йил. Тадқиқотларга кўра $20^0$ ҳароратда ва ҳавонинг нисбий намлиги 80-85 % бўлганда Псеудомонос ва Пратиус микроорганизимлари тухумнинг зич пўстлоғи сиртидан ички қатламларига 2-5 кундан Салм. Тйҳинулиум 8-11 кунда ичак таёқча 13-15 кунда ва Аспергиллус 5-9 кунда ўтади. Псевдуомонос авлодидаги микробларнинг тухумлар ичига ўтиши орқали яшил чириш содир бўлади. Н.Н. Кремова Ю.Н.Ласкова Спаровочник по ветеринарно-санитарной экспертизий продуктов животноводства москва 1999 г. Маълумотларига кўра ғоз ёғининг эриш даражаси $26\text{-}34^0$ худди қорамолларнинг сариёғи сингари ғоз ёғинг организмда хаз бўлиш даражаси 97-98 % га тенг товуқ ёғининг эриш харорати $30\text{-}32^0$ курканики $31\text{-}32^0$ ўрдакники эса $27\text{-}39^0$ га тенг. Ёғларнинг ёдли числоси товуқники 58-80 ғозники 66-73 ўрдакники 58-72 курканики 68-81 га тенг. А.М.Певизнер часная ВСЕ москва 1985 г тадқиқотларига кўра боқилган парранда гўшти 12-24 соатдан кейин анча юмшаб организимда ҳазм бўлишлик даражаси ортади. Совитгичга ёки сотиш базаларига олиб келинаётган хар қайси туркум парранда гўшти янгиликка органалиптик ва лабараторя усуллар ёрдамида текширилиб кўрилади. С.М.Муродов қишлоқ хўжалик махсулотларини все



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

қайта ишлаш технология асослари ва стандартизасияси самарқанд 1997 йил озиқ овқат учун ишлатиладиган ва сотиш ахамиятига эга бўлган тухум деганда товуқ,курка,ўрдак,ғознинг тухуми назарда тутилди. Парранда тухумлари қуйдаги турларга бўлинади. 1.пархиз тухум 2.янги тухум 3.совитгич тухум 4.охакли тухум.

## 2-боб бўйича хулоса

1. Озиқ-овқат учун ишлатиладиган парранда тухумларини микрофлоралар билан зарарланиши икки йўл билан бўлиши мумкин: - эндоген; - экзоген

Тухум қандай йўл билан микроблар билан зарарланишидан қатъий назар зарарланган тухимни таркиби салбий томонга ўзгаради ва истеъмол учун яроқсиз бўлиб қолади. Паррандалардан олинаётган гўшт нозик табиятли бўлиши билан биргаликда, тез пишади ва организмда тез ҳазм бўлиш хусусиятига эга. Парранда гўштини таркибидаги етилиш жараёнлари ўрганилгани йўқ.

## III.боб. Тадқиқот натижалари бўйича мулоҳазалар

Ўзбекистон худудида фаолият кўрсатаётган барча турдаги паррандалардан олинаётган тухум ва парранда гўштлари диетик маҳсулотлар қаторига киради. Ҳозирги кунда паррандачиликдан олинаётган маҳсулотлар билан Ўзбекистон аҳолисини тўлиғича таъминлаш учун энг аввало парранда зотларини кўпайтиришга, шу билан биргаликда парранда гўштини ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши керак. Ҳар бир паррандачилик фермаларида ишлаб чиқарилаётган тухум ва гўшт экологик жиҳатидан тоза ва одамларни соғлиғига зарар етказмайдиган бўлиши, шу билан биргаликда истеъмол қилинаётган маҳсулотлар одамларда салмонеллёз касаллигидан келиб чиқадиган заҳарланиш касаллигини чақирмаслиги лозим.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

Манашулар эътиборга олинган холда биз ўз тажрибамиз жараёнида кўпчилик парранда тухумларини текшириб уларда учрайдиган камчиликлар аниқланди. Бизга маълумки тухумларда асосан 9 та камчилик учрайди. Камчилиги бор тухумлар сотилишга чиқарилмаслиги керак. Агарда сотиладиган бўлса одамларда заҳарланиш касаллигини келтириб чиқариши мумкин. Агарда бозорга сотиш учун олиб келган барча паррандаларни тухумида камчиликлар бўладиган бўлса, бу тоифага кирадиган тухумлардан “меланж” тайёрланиши ёки бўлмаса нон саноатида турли хилдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун фойдаланиши керак.

Тухумларни ветеринария кўригидан ўтказиш учун тақдим этиш пайтида тухум етиштирилган жойдан, ўша худуддаги паррандаларнинг юқумли касалликларидан холи эканлиги тўғрисида тасдиқловчи Ф-4 шаклдаги ветеринария гувохномаси тақдим этилади. Паррандалар орасида учрайдиган сил, орнитоз, пситтакоз ва салмонеллёз касалликлари бўйича носоғлом хўжаликларда етиштирилган шунингдек ветеринария гувохномаси бўлмаса бозорга киритилган тухумлар 100$^{o}$С да 13 дақиқа қайнатилгандан кейин эгасига қайтариб берилади. Ботулизм, юқори патогенли парранда гриппи, пастереллёз, лестериоз, лейкоз, Марек касаллиги, туляремия ва лептоспироз касалликлари бўйича носоғлом хўжаликларда етиштирилган тухум йўқ қилинади. Биз томондан ўтказилган барча тадқиқот ишларидан шундай хулоса қилиниши мумкин. Яъни деҳқон бозорларида сотилаётган барча турдаги паррандаларни тухумлари барча текширишлардан ўтказилгандан кейин, сотишга рухсат этилади.

## III.боб бўйича хулоса

1. Паррандачилик хўжаликларида олинаётган барча турдаги махсулотлар, хом ашёлар энг аввало экологик эихатидан тоза ва одамларни соғлигига зарар етказмайдиган бўлиши талаб этилади. бундай мураккаб ишларни



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

барчасини амалга оширишда янги фан ва техника ютуқларига амал қилинишлиги керак.

2. Қандай типдаги паррандачилик хўжалиги бўлишлигидан қатъий назар доимий равишда хўжаликни қайси йўналишга йўналтирилганлигига амал қилинган холда, шу сохани яхши тушинадиган мутахассислар бевосита ишга жалб этишлигиги керак. Шу билан биргаликда ҳар бир ишлаб чиқарилаётган махсулотлар энг аввало Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган стандартга ўзининг сифат кўрсаткичлари бўйича жавоб бериши талаб этилади.

## ХУЛОСАЛАР

3. Ўзбекистон худудида ташкил этилаётган барча турдаги паррандаларида олиб борилаётган барча турдаги ветеринарияга оид ишларнинг барча энг аввало ветеринария-санитария қонун қоидалаига амал қилинган ҳолда олиб борилиши ва доимий равишда янги технологияларга амал қилинишлиги лозим.
4. Паррандачилик хўжаликларида олинаётган барча турдаги махсулотлар, хом ашёлар энг аввало экологик эихатидан тоза ва одамларни соғлигига зарар етказмайдиган бўлиши талаб этилади. бундай мураккаб ишларни барчасини амалга оширишда янги фан ва техника ютуқларига амал қилинишлиги керак.
5. Қандай типдаги паррандачилик хўжалиги бўлишлигидан қатъий назар доимий равишда хўжаликни қайси йўналишга йўналтирилганлигига амал қилинган холда, шу сохани яхши тушинадиган мутахассислар бевосита ишга жалб этишлигиги керак. Шу билан биргаликда ҳар бир ишлаб чиқарилаётган махсулотлар энг аввало Ўзбекистонда ишлаб



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

чиқарилаётган стандартга ўзининг сифат кўрсаткичлари бўйича жавоб бериши талаб этилади.

6. Одамларни истеъмоли учун чиқарилаётган барча турдаги тухум, парранда гўштлари ветеринария-санитария қонун қоидалари асосида текширилгандан кейин, маҳсулотлар ўзинингорганолептик, лаборатория ва бактериологик кўрсаткичлари бўйича талабгата рухсат этилиш лозим. Акс холда парранда маҳсулотлари орқали одамлар турли хилдаги касалликка чалигини мумкин.

## Амалий тавсиялар

1. Ўзбекистон Республикасида паррандачиликни ривожлантиришга ҳозирги кунда жуда катта эътибор берилган бўлиб, бу тармоқ жуда тез фойда келтирадиган тармоқлардан бири ҳисобланади.
2. Паррандачиликдан олинаётган тухум, парранда гўшти, пат-парлари саноат тармоқларида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, буларни қайта ишлаш натижасида турли хилдаги маҳсулотлар ва товарлар ишлаб чиқарилади. Манашу маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида энг аввало санитария-гигиеник талабларга қатъий равишда амал қилинишлиги керак.
3. Паррандачилик фермаларида олинаётган тухум фақатгина соғлом паррандалардан олинишлиги лозим. Манашуни эътиборга олган холда барча паррандачилик хўжаликларида паррандалар доимий равишда юқумли касалликларга режа асосида текшириб турилишлиги керак. Кейинги янги маълумотларга кўра кўпчилик паррандачилик хўжаликлардан олинаётган тухумнинг таркибида салмонелла гуруҳига кирадиган микроорганизмлар аниқланмоқда. Агарда тухум таркибида салмонелла гуруҳига кирадиган микроорганизмлар аниқланадиган бўлса, бу тоифадаги тухумлар нон саноатига юборилишлиги ёки улардан «меланж» тайёрланиши талаб этилади.
4. Паррандалардан олинган тухумлардан «меланж» тайёрланганда, буларни санитария-гигиеник холати текширилиши лозим.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

5. Турли паррандалардан олинаётган гўшт ўзининг тоифасига кўра доимо И ва II тоифали бўлиши керак. Агарда паррандаларнинг гўшти бу тоифаларга тўғри келмаса сотишга чиқарилиши ман этилиши керак.
6. Ветеринария-санитария қонун қоидаларига кўра, паррандаларни турли хилдаги юқумли, инвазион, вирусли касалликларида улардан олинаётган маҳсулотларнинг барчаси ветсанекспертизада белгиланган қонун қоидалар асосида текширилгандан кейин уларни барчасини энг қулай усулларида зарарсизлантириш тартиб қоидалари ишлаб чиқилиши тавсия этилади.
7. Ўзбекистон худудида паррандалардан олинаётган пат-парлари қайта ишлангандан кейин улардан ёстиқ кўрпа ва бошқа турдаги нарсалар ишлаб чиқарилади. Лекин ҳозирги замонда барча Европа мамлакатларида пат-парларни ўрида бошқа турли хилдаги хом ашёлар ишлатилмоқда. Булар экологик жиҳатидан тоза ва одамларни соғлиғига зарарсиз. Бизда ҳам ишлаб чиқариш жараёнида манашундан янги инновасион технологияларга эришиши талаб этилади.
8. Янги технологияларга таянган холда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган паррандачилик маҳсулотларини жаҳон андозасига тенг келадиган даражада ишлаб чиқаришни таъминлаш керак.
9. Янги паррандачилик хўжаликларини ташкил этиш пайтида, энг аввало паррандаларни зоти, маҳсулдорлиги инобатга олинган холда ёндошиш керак.
10. Паррандачиликдан юқори, ҳозирги змон талабигамос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда, янги технологияларга таянган холда, парвариш қилиш, боқиш, тез етиладиган парранда зотларини яратиш муҳим долзарб муаммоларга киради. Четдан келтирилаётган парранда гўштлари паштетлар ёки бошқа турдаги маҳсулотларни сифат кўрсаткичлари у даражада яхши эмас, чунки кўпгина мамлакатларда парранда гўштини етиштиришда гармонал препаратлар, антибиотиклар озуқа таркибига қўшилмоқда. Буларни барчаси ветеринария хизматлари



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

назоратида бўлиши лозим. Бу тоифага кирадиган гўшт ва бошқа маҳсулотларда одамларда «рак» касаллигини чақириши мумкин. Манашуларнинг барчаси инобатга олинган холда Ўзбекистонда экологик жихатидан тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш лозим.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Андерсон Ж.Р. ва бошқалар. Ручной метод обвалки мяса птис. Ж.М.И. 1984, стр 233
2. Азимов С.Т. зоовет 2015 йил 6 сон 34 бет.
3. Алимардонов А. зоовет 2010 йил 4-сон 23 бет.
4. Асонов Н.Р. Практукум по микробиологий москва 1988 йил 144 бет.
5. Арзамассев В.Н. Современние методи определения качества яис. Ж. Мясная индустрия М. 1999, стр 15
6. Фомичев Ю.И. Эффектевност горманалних препаратов в животновотства москва 1989 йил 11-15 бет.
7. Бакулин В. зоовет 2010 йил 4 сон 11 бет.
8. Бондаренко Ю.В. ва бошқалар. Для нормалного развития птисеводства надо соблюдат сани.-гигиен.ус.птес-ва. Сб.н.тр. М. 1990
9. Бурдошкина В.Н. Сочетаемост личних линии кур по эмбрионалному и постембиму развитию. Сборн. Труд. М.Л. 1990




PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

10. Двинский Б.М. Методи определения химичнеского состава яис . Ж. Мясная индустрия М. 1989, стр 25

11. Ермолива В. “ Практикум по микробиологий “ москива 1990 йил.

12. Евашкин В. ва бошқалар зоовет 2013 йил 6 сон 35-36 бет.

13. Фронинг И.W. ва Фиееу. Автоматические методи обвалки мяса. Ж.М.И. 1976, стр 99

14. Горбачева Н.С. Изучение половой зрелости кур и петухов мясних линий. Ж.М.И. (1990) №1. стр 16

15. Гоноский В.А. ва бошқалар. Определение пороки яис. Ж. Мясная индустрия М. 1991, стр 20

16. Исломхўжаев С.С. ва бошқалар. Паррандачиликдан амалий машғулоталар ўзбекистон нашриёти 1996 йил 47 бет.

17. Жавхаров О., Тиркашов Л.Я. зоовет 2015 йил 8 сон 4-44 бетлар.

18. Кавторашвилли А. ва бошқалар зоовет 2013 йил 35 бет 6 сон.

19. Касаткин Ф. товуқ ва ўрдакнинг тухумини ВСЭ. М.

20. Кремова Н.Н., Ласкова Ю.Н. Спаровочник по ветеринарно-санитарной экспертизий продуктов животноводства москва 1999 г.

21. Кругалев С.С. ва бошқалар. Профилактика яис. Ж. Мясная индустрия М. 1992, стр 120

22. Лебедев У.Ф. ва бошқалар. Применение холода и исползование куриного мяса. Ж. Мясная индустрия М. 1990, стр 96

23. Лисов М.Т. ва бошқалар. Уровни марганса и синка в расионах клеточних кур. Научн.тр. Молдавии, 1990 г. стр 2

24. Макарова В.И. ва бошқалар. Исползование синк-баситрасина в кормлении кур несушек. Кн. 1990. М. Агропром из-ва.

25. Маслобоев А.Я. Достижение и переспективи науки по кормлению птиси. Кн.М. 1990, стр 15

26. Муродов С.М. «Чорвачилик ва ўсимлик маҳсулотларининг ВСЕ» ўқув қўлланма 1993 й.



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

27. Муродов С.М. «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш технология асослари ва ВСЕ» ўқув қўлланма 1997 й.
28. Муродов С.М. «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг Ветеринария-санитария экспертизаси, қайта ишлаш технологияси, гигиенаси ва стандартизасияси» Дарслик - 2011 йил.
29. Муродов С.М. ва бошқ. «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг Ветеринария-санитария экспертизаси, қайта ишлаш технологияси, гигиенаси ва стандартизасияси» Дарслик - 2013 йил.
30. Нагибина В.Ф. ва бошқалар. Сочетаемост некоторих линий и популясии уток и гусей. М.М.И. №2. 1995, стр 80
31. Николичева Г.А. ва бошқалар. Влияние скармливания диаммоний фосфата на продукт кур-несушек. Ст.н.тр. Ж.М.И. 1991, №2, стр 17
32. Никитенко С.Г. Селексии яичних кур на приспособленност к клеточному содержанию. (1990)
33. Ниязов Ф. Хайитов Р. Агроилим 2009 йил 4 сон 28 бет.
34. Нурмаматов Ҳ.П., Тоиров Ж.И. зоовет 2014 йли 7 сон 39-40 бет
35. Пигула А., Реит Ж. Технология приготовления из мяса птис консерви. Ж.М.И. 1989, стр 74
36. Певизнер А.М. Часная ВСЕ москва 1985 г
37. Подстрешний А.П. ва бошқалар. Изучение групп крови у кур. Сбор.научн.труд. Кн.М. 1990, стр 55.
38. Ризаев А. Мирсаидов Б. ва бошқалар зоовет 2011 йил 8 сон 36 бет.
39. Савидова Т.И. ва бошқалар. В производстенних условиях из яис путём висушивания готовится меланж. Ж. Мясная индустрия М. 1986, стр 7
40. Сергеев А.С. ва бошқалар Рукавотиства по технологий периработкий раститилних самел и жиров лилингирад 1982 йил 90-бет.
41. Смиронова З.И. ва бошқалар. Осенка племенних качеств петухов-производителей по росту потомства. М. 1990



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com

42. Слизаров В.В. Исползование меланжа как заменители яис. Ж. Мясная индустрия М. 1986, стр 19
43. Тароповский В.П. ва бошқалар. Сравнителная эффективност естественного и иссукственного осеменения кур в индивидуалних клетках. Ж.М.И.С. №2, 1990 г.
44. Тиркашев Л. ва башқалар зоовет 2013 йил 7 сон 34 бет.
45. Тихонова Е.Т. ва бошқалар. Влияние баситрасина и резерпина на вес бройлеров. Ж.М.И. № 9, 1990 г. стр 18
46. Виле Х.Р. Изучение продуктивних качеств бройлеров в условиях республики Куби. М.М.В.А. Научн. Труди. 1990 стр 31
47. Хосе Роман Виле. Методи приготовления консервов из Куринного мяса. Ж.М.И.С. 1990, стр 83
48. Худжамшукуров А.Н. зоовет 2014 йил 5 сон 38 бет.
49. Загаевиский э.С. Саллманиллози животнех кейив 1987 йил.
50. Звонова Л.Н. Возможности отбора мясних кур по возрасту достижение стандартного веса яис. Ст.н.тр. Москва. Киф.птисеводства 1996, стр.56
51. Злочевский К.В. ва бошқалар. Основние направления исследований по селексии и генетике с/х птиси. Учебник М. 1997 г.
52. Шамбаева С.Д. Применение риб и жира в птисеводстве. Ж. Ветеринария 1988 г. стр.15
53. Шевченко А.И. ва бошқалар. Влияние антиоксисинтов на продуктивност кур гесушек. Ж.М.И. №2. 1990, стр 26
54. Интернет маълумотлари. Илова
55. ҳттп://ветин.ру/мену/легислатион.пҳп-куест-ид_артисле-ек-54
56. ҳттп://www.знайтовар.ру/с/Товароведение_и_експертиза_яис.ҳтмл



PDF created with pdfFactory Pro trial version www.pdffactory.com